

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЛЬНИЯЗОВ АЙТМУРАТ ИСМАИЛОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДАГИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА
ГАПЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Докторлик (DSc) диссертация автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской ((DSc) диссертации
Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Альниязов Айтмурат Исмаилович Ҳозирги қорақалпоқ тилидаги боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик таҳлили.....	3-32
Альниязов Айтмурат Исмаилович Функционально-семантический анализ сложносочиненных предложений современного каракалпакского языка.....	33-63
Alniyazov Aytmurat Ismailovich Functional-semantic analysis of complex sentences of the modern Karakalpak language.....	64-66
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	67-70

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЛЬНИЯЗОВ АЙТМУРАТ ИСМАИЛОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДАГИ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА
ГАПЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси навбаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.DSc/Fil26 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Қорақалпоғистон бўлими

Қорақалпоқ Гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-сайтида (www.karsu.uz) ва «Ziyounet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Абдиназиев Шамшет Нажимович филология фанлари доктори, профессор
Расмий ошпонентлар:	Махмудов Нигъматддин Мамадалиевич филология фанлари доктори, профессор Қудайбергенов Мамбеткерим Сарсенбаевич филология фанлари доктори, профессор Соетов Мурадгелли филология фанлари доктори, профессор, Туркманистон Фанлар академияси академиги

Еткази муассаса: Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Диссертация хисобини Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.
Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» июль соат 10 даги
мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй. Тел.:
(99861) 223-59-25,

факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишни мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй.

Тел.: (99861) 223-59-25).

Диссертация автореферати 2020 йил «20» июль да тарқатилди.
(2020 йил «20» июль даги 20 рақамли реестр бўйича).

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси а.б., филол.ф.д., профессор
К.Алдамбергенов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котибаси, филол.ф.д. (DSc)
Г.Е. Карлыбаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қонидан
илмий озғинар раиси, филол.ф.д., профессор
М.С. Қудайбергенов

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида анъанавий синтаксиснинг баҳсли масалаларини тизимли ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, тенг ва тобе компонентли қўшма гапларнинг синтактик ва семантик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларни формал-семантик жиҳатдан ўрганиш бўйича салмоқли тадқиқот ишлари бажарилган. Бугунги кунда эса тил бирликлари, жумладан, боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятларини айнанлик ва фарқлилик концепцияси доирасида тадқиқ қилиш зарурати кун тартибига қўйилмоқда.

Дунё тилшунослигида тил бирликларини, жумладан, боғланган қўшма гаплар семантикасини лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида замонавий методологик тамойиллардан бири – айнанлик ва фарқлилик концепциясига таянган ҳолда тавсифлаш ҳамда уларнинг лингвистик табиатига хос аниқ назарий хулосалар чиқариш замонавий синтаксиснинг самарали омилларидан биридир. Бутун тил механизми айнанлик ва фарқлиликдан, яъни мазкур биномдан иборат эканлиги тўғрисидаги илк ғоялар М. Т. Варрон, Ибн-Сино, В. фон Гумбольдт, Ф. де Соссюр асарларида акс эттирилган. Кейинчалик Н.Н.Холодов томонидан мазкур концепциясининг назарий асослари ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, тилда айнанлик ва фарқлилик муносабатлари субинвариант муносабатлар бўлиб, улар тил тизимининг асосини ташкил қилади. Турли халқлар, асрлар ва авлодларга мансуб, бутун жаҳон эътироф этган машхур олим-мутафаккирлар томонидан тилларнинг конкрет тузилиши ва умумий хусусиятлари бўйича муштарак фикрларнинг билдирилиши тасодифан бўлган ҳодиса эмас ва бундан тилларни, жумладан қорақалпоқ тилини тадқиқ қилишда фойдаланиш долзарб масалалар сирасига киради.

Мустақиллик йилларида қорақалпоқ тилшунослигида қўшма гап муаммоларини тадқиқ қилиш соҳасида муайян даражада лисоний ва тадқиқот тажрибалари тўпланган. Лекин қорақалпоқ тилидаги боғланган қўшма гаплар муаммоси ҳалигача махсус монографик тадқиқот предмети бўлмаган. Шуни ҳисобга олган ҳолда, диссертацияда ҳозирги қорақалпоқ тилидаги боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятларини аниқлаш назарда тутилган. Чунки ҳозирги даврда тилимизнинг «ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш»¹ устувор вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2019 йил, 21 октябрь/
<http://uza.uz>

«Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолиятини, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш, молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, 2018 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб ўқиш ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилишга доир комиссия тузиш тўғрисида»ги Ф-4789 сонли Фармойиши, 2019 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ва ушбу фаолиятга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Боғланган кўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Humboldt (Германия); University of Oxford (Англия); The French National Research Agency (Франция); Academy of Korean Studies Grand (Корея); Istanbul University (Туркия); М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Москва давлат педагогика университети; Лингвистик тадқиқотлар институти, Россия ФА Шарқшунослик институти, Иваново давлат университети, Россия ФА Сибирь бўлими филология институти (Россия), Bakı Dövlət universiteti (Озарбайжон), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида кўшма гапларни, жумладан, боғланган кўшма гапларни структур-семантик ва функционал-семантик йўналишларда тадқиқ қилиш асосида қатор илмий натижалар олинган, жумладан: лингвистик

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи www.uzh.ch/en.htm, www.zora.uzh.ch, www.bu.edu, www.uv.es, www.u-tokyo.ac.jp/en, www.ras.ru, www.kamgu.ru, www.bu.edu, www.ecu.edu.au, www.sophia.ac.jp/eng, www.u-tokyo.ac.jp/en, www.bsui.edu.az, www.msu.ru, www.vsu.bu, www.education.ua/universities, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz, <http://www.philology.nsc.ru>; <http://www.ivanovo.ac.ru>; <http://philology.nsc.ru/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

ғоялар мазмунида прагматик тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши асослаб берилган (Cambridge University, Англия; University of Zurich, Швейцария; University of Pennsylvania, University of California, АҚШ); грамматик маъно уйғунлиги, унинг нутқда акс эттирилиши ва матндаги функциялари очиб берилган (University of Tokyo, Япония, Australian National University, Австралия, Oxford University Language Centre (Англия); матнларда қўлланилган гапларнинг семасиологик тадқиқи натижасида семантик майдон назарияси ишлаб чиқилган (The French National Research Agency (Франция); туркий тилларни қиёсий-типологик йўналишда мажмуавий тадқиқ қилиш концепцияси ва методикаси ишлаб чиқилган (Россия ФА Сибир бўлими филология институти); грамматик маънонинг умумий ва алоҳида хусусиятлари очиб берилган (Baki Dövlət universiteti, Озарбайжон; Қозок миллий университети, Қозоғистон); тилшуносликда айнанлик ва фарқлилик концепцияси ишлаб чиқилган (Иваново давлат университети, Россия), туркий тиллардаги конвербларнинг морфологик хусусиятлари тадқиқ қилинган (М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия), грамматик маънонинг субстанционал-прагматик хусусиятлари ўрганилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот институти).

Дунё тилшунослигида қўшма гапларнинг лисоний хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: эргаш ва боғланган қўшма гапларнинг тил сатҳидаги ўрнини аниқлаш; қўшма гаплардаги бириктирувчи воситаларнинг ўрнини ва функцияларини белгилаш ва тизимлаштириш; қўшма гаплар тизимини айнанлик ва фарқлилик концепцияси бўйича талқин қилиш; туркий тилларда боғловчи функциясини бажарадиган морфологик кўрсаткичлар (конверблар)нинг грамматик ва семантик хусусиятларини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Боғланган қўшма гаплар – қорақалпоқ тили амалиётида кенг тарқалган ҳодиса. Бундай гаплар тўғрисидаги илк маълумотлар Н.Давқораев томонидан 1939 йили тузилган мактаб дарслигида келтирилган¹, қорақалпоқ тилининг синтактик тузилишини тизимли равишда баён қилиш масалалари эса Н.А.Баскаковнинг илмий ишларида кенг ёритилган². Бундан кейин қўшма гапларнинг айрим асосий масалалари Қ.Бердимуратов³, Е.Даёнов⁴, А.Қидирбоев¹, А.Умаров²,

¹ Даўқараев Н. Қарақалпақ тилининг грамматикаси. II. Синтаксис. – Москва-Тўртқул, 1939.

² Баскаков Н.А. Краткая грамматика каракалпакского языка. – Турткуль, 1931; Его же. Очерки грамматики каракалпакского языка/Каракалпакско-русский словарь. – Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1958. – 802-838; Его же. Типы атрибутивных словосочетаний в каракалпакском языке/Вопросы языкознания, 1956, №6. – С. 79-91; Его же. Словосочетания в каракалпакском языке/Сб.: Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. III, Синтаксис. – Москва, 1961. – С. 50-57; Его же. Простое предложение в каракалпакском языке. Там же. С. 62-72; Его же. Предложения с развернутыми членами в каракалпакском языке. Там же. С.111-121; Его же. Сложное предложение в каракалпакском языке. Там же. С.222-230; Каракалпакский язык. В 2-х т. Т. II. Фонетика и морфология. Ч. I. Части речи и словообразование. – Москва, 1952;

³ Бердимуратов К. Придаточные предложения в каракалпакском языке и их структура/Ученые записки ККГосПИ, вып. I. – Нукус, 1957. – С. 103-128.

⁴ Даёнов Е. Баянлауышы ҳал феийлден болған сын бағыныңқы гәп/ӨзР ИА ҚБ Хабаршысы, 1975, №4.

М.Авезов³, М.Давлетов, Д.Сейдуллаева⁴ ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқот мақсадларига мувофиқ у ёки бу даражада акс эттирилган.

Шундай бўлса ҳам, қорақалпоқ тилшунослиги тарихида боғланган қўшма гаплар масаласи қўшма гапларнинг бошқа турларига, хусусан, эргашган қўшма гапларга нисбатан кам ўрганилган. Бундан ташқари, боғланган қўшма гапларга бағишланган илмий ишлар мундарижаси кўпгина умумий ва хусусий масалалар бўйича ягона бир фикрга келиш имконини бермайди. Қўшма гап тизимида ўз ўрнига эга бўлган боғланган қўшма гапларни тадқиқ қилишнинг долзарблиги лисоний матн муаммоси билан ҳам боғлиқ, чунки матннинг синтактик тузилишини қўшма гапларсиз ўрганиш мумкин эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида олиб борилаётган «Ҳозирги қорақалпоқ тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги қорақалпоқ тилида боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятларини айнанлик ва фарқлилик концепцияси йўналишида тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорақалпоқ тилидаги боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятларини очиб беришга ёрдам берувчи янги тадқиқот материалларини илмий муомалага киритиш;

қорақалпоқ тилида боғланган қўшма гаплар тизимининг назарий асосларини тилшуносликда шаклланган айнанлик ва фарқлилик концепцияси нуқтаи назаридан функционал-семантик аспектда очиб бериш;

ҳозирги қорақалпоқ тилида бириктирув, зидлаш, қиёслаш маъноли боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятлари ва турларининг таснифига ойдинлик киритиш;

қорақалпоқ тилида -п конвербининг боғланган қўшма гапларда тенг боғловчи функциясидаги морфологик кўрсаткич эканлигини исботлаб бериш;

қорақалпоқ тилида илгари ўрганилмаган айрим боғловчиларнинг (*да...да, дағы, болса, болмаса, тек*) қўлланилиш хусусиятларини очиб бериш;

боғланган қўшма гаплардаги айнанлик ва фарқлилик семантикасининг иерархик тизими аниқлаш.

¹ Қыдырбаев А. Қарақалпақ тилинде қоспа гәплер хәм оларды классификациялаў мәселелери//Вестник КК филиала АН РУз, 1965, №2; Қыдырбаев А. Қарақалпақ тилинде дизбекли қоспа гәплер/ Вестник КК филиала АН РУз, 1966, №1.

² Умаров А. Сопоставительный синтаксис русского и каракалпакского языков. – Нукус: Каракалпакстан, 1973. – 324 с.

³ Авезов М. Ҳазирги дәўир қарақалпақ тилинде бағыныңқы қоспа гәплер хәм олардың структурасы. – Нөкис: Каракалпакстан, 1972. – 112 б.

⁴ Дәўлетов М. Қарақалпақ тилиндеги қоспа гәплердин гейпара теориялық мәселелери. – Нөкис: Билим, 1993. – 104 б.

Тадқиқот объекти сифатида ҳозирги қорақалпоқ тилидаги матнларда, қорақалпоқ ёзувчи ва шоирлари асарларида, фольклор ижодиёти намуналарида ҳамда даврий матбуот материалларида қўлланилган боғланган қўшма гаплар танланган.

Тадқиқот предметини ҳозирги қорақалпоқ тилидаги боғланган қўшма гапларнинг айнанлик ва фарқлилик концепцияси доирасидаги функционал-семантик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёслаш ва тизимли тарзда ўрганиш усуллари, жумладан бевосита кузатиш ва структур-семантик таҳлил; қўшма гапларни параллел таҳлил қилиш, лингвистик тажриба усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тилидаги боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятларига оид янги тадқиқот материаллари илк бор илмий муомалага киритилган;

қорақалпоқ тилида боғланган қўшма гаплар тизимининг назарий асослари тилшуносликда шаклланган айнанлик ва фарқлилик концепцияси негизида очиб берилган;

ҳозирги қорақалпоқ тилида бириктирув, зидлаш, қиёслаш маъноли боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятлари ва турларининг таснифи ойдинлаштирилган;

қорақалпоқ тилида -п конвербининг боғланган қўшма гапларда тенг боғловчи функциясидаги морфологик кўрсаткич эканлиги далилланган;

қорақалпоқ тилида илгари ўрганилмаган айрим боғловчиларнинг (*да...да, дағы, болса, болмаса, тек*) қўлланилиш хусусиятлари очиб берилган;

боғланган қўшма гаплардаги айнанлик ва фарқлилик семантикасининг иерархик тизими аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

боғланган қўшма гапларнинг ҳозирги қорақалпоқ тилидаги қўшма гаплар тизимида алоҳида ўрин тутиши кўрсатиб берилган;

боғланган қўшма гапларни айнанлик ва фарқлилик концепцияси доирасида ўрганишнинг синтаксис соҳасини ривожлантиришдаги аҳамияти асосланган;

бириктирув боғловчиларининг ўхшашлик муносабатларини билдирувчи восита сифатидаги хусусиятлари аниқланган;

фарқлилик, номуносиблик муносабатларини англаувчи зидлаш, қиёслаш боғловчиларининг гапда тутган ўрни ва вазифалари ойдинлаштирилган;

қорақалпоқ тилида -п конвербининг боғланган қўшма гап компонентларини боғловчи морфологик кўрсаткич эканлиги исботланган;

диссертация материаллари, келтирилган хулосалар ва фикр-мулоҳазалар мазкур масала бўйича янги тадқиқотлар яратишда назарий ва амалий манба вазифасини бажариши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда таҳлилга тортилган материаллар қорақалпоқ тилининг фақат ўзига хос хусусиятларидан келиб

чиққан ҳолда хулосалар қилишга имконият берганлиги, уларнинг асосли, методологик жиҳатдан етук эканлиги, назарий фикр-мулоҳазалар ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган яқунларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги ва мавзунинг замонавий илмий-тадқиқот усуллари воситасида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, унда боғланган кўшма гапларни алоҳида тадқиқот объекти сифатида функционал-семантик йўналишда айнанлик ва фарқлилик концепцияси доирасида таҳлил қилиш тамойиллари ишлаб чиқилган, олинган илмий маълумотлар ва тадқиқот натижалари кўйидаги лингвистик масалаларни: семантик муносабатлардаги изоморфизм ва тилнинг тизимли характери тўғрисидаги гипотезани тасдиқлаш; боғланган кўшма гаплар турлари орасидаги синтактик муносабатларни аниқлаш; айнанлик ва фарқлилик назариясини қорақалпоқ тили материалларида бундан буён ҳам такомиллаштириш; боғловчи воситаларни тизимли баён қилишда эмпирик база вазифасини бажариши кабилар билан ойдинлаштирилади.

Тадқиқотнинг конкрет натижалари олий ўқув юртларидаги педагогик амалиётда – ҳозирги қорақалпоқ тили синтаксиси бўйича маърузалар ўқишда, «Қорақалпоқ тилининг синтаксиси» фанидан дарслик ва ўқув кўлланимларини яратишда, шунингдек, қорақалпоқ тилининг семантик ва функционал синтаксиси масалалари бўйича махсус курслар ҳамда семинарлар ташкил қилишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги қорақалпоқ тилида боғланган кўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятларини айнанлик ва фарқлилик концепцияси доирасида тадқиқ қилиш натижасида олинган маълумотлар асосида:

боғланган кўшма гапларнинг семантик турларини аниқлаш, қорақалпоқ тилида боғловчиларнинг хусусиятларини очиб беришга доир назарий хулосалардан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-А1-Г006 «Қорақалпоқ халқ кўшиқлари кўлёзма нусхаларини текстологик таҳлил қилиш ва нашрга тайёрлаш» (2015-2017) амалий лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимидининг 2020 йил 15 июндаги 17.01/60 сон маълумотномаси). Натижада мазкур хулосалар қорақалпоқ халқ кўшиқлари матнидаги кўшма гаплар ва боғловчиларнинг маъноларини ўрганишда муҳим асос бўлган;

қорақалпоқ тилида кўшма гаплар тизимига оид маълумотлар, хусусан, боғланган кўшма гаплар ва унинг турларини ўрганиш, боғловчи воситаларнинг гаптадаги мақоми ва функциялари, -п конвербининг хусусиятларига боғлиқ хулосалардан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г003 «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими

Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 15 июндаги 17.01/61 сонли маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ тилида лисоний бирликларни функционал-семантик аспектда янгича тадқиқ қилишга манба сифатида асос бўлган;

боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятларини, конвербларнинг қўшма гаплардаги функцияларини аниқлашда диссертация натижалари ва хулосалари муҳим назарий-амалий манба сифатида эътиборга олиниб, улар Озарбайжон Миллий Фанлар академияси тилшунослик институтида «Ҳозирги озарбайжон тилида боғланган қўшма гапларнинг функционал-коммуникатив хусусиятлари» мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган. (Озарбайжон МФА тилшунослик институтининг маълумотномаси). Диссертацияда акс эттирилган назарий ва амалий хулосалар мазкур институтда амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларига жорий этилган;

тилдаги тенг боғловчиларни таснифлаш, қорақалпоқ тилида конвербларнинг синтактик функцияларини аниқлашга оид маълумотлардан ЎЗР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-А8-004 «Қорақалпоқ адабий тили тарихи ва ҳозирги қорақалпоқ тилида қўшма гапларнинг тузилиш-семантик турлари» (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 15 июндаги 17.01/62 сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар қорақалпоқ тили тарихи ва ҳозирги ҳолатида қўшма гапларнинг умумий ва хусусий жиҳатларини очиқ беришга, шунингдек, боғловчиларнинг, конвербларнинг сўз компонентлари орасида семантика яратишдаги ролини аниқлашга хизмат қилган;

нутқ маданиятида боғланган қўшма гапларнинг тутган ўрни, ёзиш ва сўзлашда боғловчилар англатадиган маъно муносабатларини тўғри англаш салоҳиятига тегишли фикр-мулоҳазалар Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг «Гавҳар сўз» кўрсатувларини, «Тилга эътибор – элга эътибор» эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 15 июндаги 01-02/122-сонли маълумотномаси). Натижада кенг жамоатчиликнинг нутқ амалиётида гапларни ва боғловчиларни ўз ўрнида тўғри қўллаш бўйича билим ва кўникмалари бойитилишига эришилган;

боғланган қўшма гаплар ва улардаги боғловчиларнинг функциялари ҳамда семантикаси бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ қилиш натижасида чиқарилган хулосалар ва умумлаштирилган фикр-мулоҳазалардан умумтаълим мактабларининг 10 ва 11 синфлари учун «Қорақалпоқ тили» дарсликларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 02-01/1656-сонли маълумотномаси). Диссертация ишида келтирилган тадқиқот материаллари билан хулосалари ва тавсиялар боғланган қўшма гапларни ўқитиш методикасининг самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та республика ҳамда 13 та халқаро конференцияларда маъруза шаклида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та, жумладан, республика нашрларида 11 та ва хорижий журналларда 3 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 254 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассаса илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорий қилиниши, апробацияси, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Лингвистик анъаналарда боғланган кўшма гапларни тадқиқ қилиш тарихидан**» деб номланган.

Анъанавий тилшунослик тараққиёти давомида кўшма гапларни, хусусан, боғланган кўшма гапларни структурал, семантик ва функционал жиҳатлардан тадқиқ қилишда жуда катта ютуқларга эришилган. Олимларнинг бу борада амалга оширган кўп йиллик тадқиқотларининг ижобий натижалари ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган ва ва уларни эътироф қилиш лозим.

Шундай бўлса-да, жаҳон тилшунослигида, жумладан, туркий ва қорақалпоқ тилшунослигида ҳам боғланган кўшма гапларнинг семантик хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий ишлар эргашган кўшма гапларни ўрганишга нисбатан жуда кам.

Биринчи бобнинг биринчи фасли «**Кўшма гапни аниқлаш масаласига**» деб номланган. Ҳозирги қорақалпоқ тилидаги кўшма гаплар табиати ва моҳиятини аниқлашда ҳали ўз ечимини кутаётган, мунозарали масалалар анчагина. «Кўшма гапнинг боғланган, эргашган ва боғловчисиз боғланган турларини аниқ фарқлайдиган мезонларнинг етарли даражада аниқланмаганлиги, мазкур гапларда дастлабки компонент кесимларининг функцияларини чеклаш, боғланиш ва тобеланишни билдирувчи боғловчилар ва боғловчи вазифасини бажарувчи сўзларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги,

қўшма гаплар семантик турларининг бир-бирига чалкаштириб қаралиши»¹ каби мунозарали масалалар ҳали ўз ечимини топмаган. Бундай гаплар ҳозиргача асосан структурал-семантик жиҳатдан ўрганилди, аммо уларнинг ҳақиқий семантик тузилиши тўла очиб берилган эмас.

Кўпгина тилшунос олимлар қўшма гапнинг энг асосий белгиси – гап компонентларининг ўз субъектига эга бўлиши эканлигини интуитив тарзда тушунса ҳам, улар шаклланган анъанавий грамматика доирасидан четга чиқа олмайдилар. Айрим муаллифлар ҳатто «қўшма гап» терминидан воз кечиб, уни бошқача номлашни таклиф қиладилар. Ўзбек тилшуноси Н.Турниёзов «қўшма гап» терминини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлаб, ўз ишларида «мураккаб синтактик қурилма», «тенг компонентли мураккаб синтактик қурилма» терминларини қўллайди². Ш.Раҳматуллаев эса «қўшма гапшакл», «тенг қисмли қўшма гапшакллар» терминлеридан фойдаланади³.

Туркий тиллардаги қўшма гапларнинг бундай ўзига хос тузилиш хусусиятларига боғлиқ ҳолда узоқ вақтлар давомида кўпчилик тадқиқотчилар синтетик тобе алоқага эга қўшма гаплар йўқ, тобеланиш муносабати ёрдамида содда гаплар кенгайтирилган гап аъзоларига, яъни равишдош ва сифатдош ўрамларга айланади, деган фикрда бўлиб келди⁴. Ҳатто бугунги кунда ҳам бундай нуқтаи-назарларни қўллаб-қувватловчилар бор⁵.

Қўшма гапларни ўрганишнинг асосий муаммо – бу гапнинг таърифи, яъни аниқламасидир. Лингвистик луғатларда гапга қуйидагича изоҳ берилган: «Қўшма гап – бу бириктирувчи ва эргаштирувчи боғловчилар ёки боғловчисиз алоқа асосида бир неча (камида икки) гапнинг бирикишидан ҳосил бўлган синтактик тузилма»⁶.

Агар ушбу таърифга асослансак, туркий тиллардаги синтетик ва аналитик-синтетик воситилар орқали бириккан тузилмалар қўшма гаплар, деб саналиши мумкин эмас ва бу ўз-ўзидан тобе компонентлари равишдош, сифатдош, ҳаракат номи феъл шаклларида бўлган гапларнинг қўшма гапга мансуб гаплар эканлигини йўққа чиқаради. Демак, юқоридаги қўшма гапга берилган аниқлама фақат флектив тилларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «**Боғланган қўшма гап категорияларининг айрим мунозарали масалалари**» деб номланади.

¹ Дәўлетов М., Сейдуллаева Д. Ҳозирги каракалпак тилинде қоспа гәплер. – Нөкис: Каракалпакстан, 2010. – Б. 52.

² Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Монография. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2008. – 84 б.

³ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Дарслик. – Тошкент: Университет, 2006. – 238 б.

⁴ Баскаков Н. А. Сложное предложение в каракалпакском языке. Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков. Ч. III. Синтаксис. – М.-Л.: Наука, 1961; Ширалиев М. Ш. Сложноподчиненное предложение в азербайджанском языке. – Вопросы языкознания. 1956, № 1; Гаджиева Н. З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. – М.: Наука, 1973. – 408 с.

⁵ Гузев В.Г. Опыт разработки теоретических основ описания тюркского функционального синтаксиса / Востоковедение. Филологические исследования. Вып. 27. – СПб.: Издательство С.-Петербургского ун-та, 2006. – С. 56; Дубровина М.Э. Отсутствие тюркских сложноподчиненных предложений как следствие внутреннего устройства агглютинативных языков/Вестник РУДН. Серия: Теория языка. Семиотика. Семантика. – 2017. Т. 8. № 3. – С. 563—570.

⁶ Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990. – С. 471.

Лингвистик адабиётларда боғланган қўшма гаплар компонентлари орасидаги тенглик муносабатлари бириктирув, зидлов, кетма-кетлик маънолари воситасида англашилади, деб кўрсатилади. Аммо, шу билан бирга, боғланган қўшма гаплар орқали ифодаланадиган маънолар кўлами анча кенг эканлиги ҳам қайд қилиниб, боғланган қўшма гапларда эргашган қўшма гапларда билдириладиган маъно муносабатларининг деярли барчаси ифодаланиши мумкинлиги таъкидланади¹.

Тилшуносликда боғланган қўшма гап компонентлари хусусиятларини изоҳлашда ҳам ҳар хил фикрлар илгари сурилади. Туркий тилларга тегишли илмий адабиётлар ва дарсликларда боғланган қўшма гаплар таркибидаги компонентлар «содда гап» деб ўрганилади². Бундай ҳодисаларга танқидий фикр билдирган ҳолда, тилшунос олима Р.Сайфуллаева «Қўшма гаплар содда гапларнинг бирикишидан тузилади, деган тушунчанинг ўзи мавжуд эмас»³, – деб кўрсатади. Бундай фикрларни Ғ.Абдурахмонов, М.Закиев, Т.Ермековалар ҳам билдирган⁴.

Дарҳақиқат, боғланган қўшма гаплар компонентлари мақомини содда гаплар сифатида талқин қилиш тил бирликлари қонуниятларига мос келади, деб айтиш қийин, чунки қўшма гаплар компонентлари ҳақиқий содда гаплар тузилишига эга бўлган шароитда ҳам улар бошқа содда гаплардаги интонацион мезонга тўғри келмайди. Шу сабабли ҳам биз юқоридаги фикрларга тўла қўшилаемиз.

И.Ф.Вардуль тилда «боғланган қўшма гаплар йўқ, шу сабабли унга доир терминга ҳам зарурат бўлмайди. Демак, «эргашган қўшма гап» терминига ҳам зарурат туғилмайди. Бундай гапларни «қўшма гаплар» деб атаб, уларни содда гаплар билан қиёслаб ўрганиш етарлидир»⁵ деган фикр билдиради. Ушбу фикрга асосланган ҳолда, озарбайжон тадқиқотчиси К.М.Абдуллаев «...анъанавий боғланган қўшма гап деб аталувчи синтактик ҳодисани тўлалигича матн соҳасига кўчириш мақсадга мувофиқдир»⁶, – деб тасдиқлайди.

Боғланган қўшма гапларга оид бундай фикрларга қўшилиш қийин. Агар биз гапни фақат нутқ бирлиги деб ҳисобласак, унда боғланган қўшма гап ушбу тизимда бошқа турдаги гаплар билан бир қаторда ўз ўрнига эга. Агар бундай гапларни фақат тил бирлиги деб ҳисобласак, унда боғланган қўшма гап намунаси боғланишнинг ўзиданок, яъни қуйида келтирилган мисолдаги

¹ Қаранг: Попова И.А. Сложносочиненное предложение в современном русском языке/Вопросы синтаксиса русского языка. – Москва: Учпедгиз, 1950; Ғ.Абдурахмонов. Қўшма гап синтаксиси асослари. – Тошкент: ФАН, 1958. – Б. 24-78; Ҳазирги қарақалпақ тили. Синтаксис. – Нөкис: Билим, 1996. – Б.247-259.

² Қаранг: Дәўлетов М., Сейдуллаева Д. Ҳазирги қарақалпақ тилинде қоспа гәплер. – Нөкис, Қарақалпақстан, 2010. – Б. 29; Karahan L. Türkçede söz dizimi. Cumle tahlilleri. Ankara, 1999. – 64-65-s; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Ғ., Курбонова М., Юнусова З., Абузалова М. Ҳазирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Ўқув қўлланмаси. – Тошкент: ЎзМУ, 2006. – Б. 144.

³ Сайфуллаева Р.Р. Ҳазирги ўзбек адабий тилида қўшма гапларнинг формал-функционал талқини. – Тошкент: ФАН, 1994. – Б. 33.

⁴ Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. – Тошкент, 1964. – Б. 59; Татар грамматикасы. – Т. III. – Қазан: ФИКЕР, 1999. – Б. 313; Ермекова Т.Н. Қурмалас сөйлемдер жүйеси. – Алматы, 2008. – Б.78.

⁵ Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики. – Москва: Наука, 1977. – С. 222-223.

⁶ Абдуллаев К.М. Теоретические проблемы синтаксиса азербайджанского языка. Диссертация на соискание... доктора филол. наук. – Баку, 1984. – С. 168-170.

икки уюшган тобе гапнинг тенг ҳолатидан ҳам кўзга ташланади: *Дарўаза ашылып, алтыс қәдем жол жүргеннен кейин гана аспан гүмбези сыяқлы алўан тўске енген алтын сарай көринди* (К.Мәмбетов. Посқан ел). Г.Пауль алоҳида таъкидлаганидек, «агар гаплар орасида ўзаро ички алоқа бўлмаса, яъни уларнинг бири иккинчисини муайян даражада аниқламаса, бундай гапларни тенглик муносабати ёрдамида қўшиш зарурлигининг ўзи ҳам ҳеч қандай ақлга мувофиқ асосга эга бўлмас эди...»¹. Шу сабабли ҳам В.Г.Адмони тилда боғланган қўшма гаплар бор эканлигини тан олиш керак, деган хулосага келади². Ўзбек тилшуноси Н.Турниёзов эса И.Ф.Вардудльнинг қўшма гап ва унинг турлари ҳақидаги фикрларини илмий жиҳатдан асосли эмас, деб ҳисоблайди³. Биз ҳам ўша фикр тарафдоримиз.

Ушбу бобнинг учинчи фасли «**Боғланган қўшма гаплардаги вақт муносабатлари масаласи**» деб номланган. Ҳозирги туркий тилларда, хусусан, қорақалпоқ тилида шаклланган анъанага мувофиқ, бириктирув маъноли боғланган қўшма гаплар компонентларида баён қилинган «иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисалар мазмунига кўра бир вақтда юз берган ёки кетма-кет бўлган воқеа-ҳодисаларни билдиради»⁴, деб кўрсатилади. Ғ.Абдурахмонов бу хусусида яна ҳам кескинроқ фикр билдиради: «Бириктирув муносабати ифодаланган қўшма гапларда қандай қўшимча мазмун турлари ифодаланмасин, қўшма гап қисмларидан англашилган ҳаракат-ҳолат, хусусият маълум бир пайтда рўй беради, маълум пайт билан боғланади. Шунга кўра, бириктирув муносабатида бўлган боғланган қўшма гаплар икки гуруҳга бўлинади: 1) ҳаракат-ҳолат ёки бирор белгининг бир пайтда рўй беришини кўрсатувчи боғланган қўшма гаплар, 2) ҳаракат-ҳолат ёки бирор белгининг кетма-кет рўй беришини кўрсатувчи боғланган қўшма гаплар»⁵.

Ушбу фикрнинг биринчи қисмига қўшилиш мумкин, аммо шунга боғлиқ ҳолда боғланган қўшма гапларни айнан кетма-кет ва бир вақтда юз берган воқеа-ҳодисаларни билдирувчи қўшма гаплар, деб семантик гуруҳларга бўлиш мунозарали масала.

Боғланган қўшма гапларни махсус ўрганган профессор Н.Н.Холодовнинг фикрича, «Ҳозирги пайтда кенг тарқалган фикрларга мувофиқ, «идеал» вақт маъноли гаплар, деб ҳисоблаш лозим бўлган гапларни ҳам ё сабаб-натija, ёки бириктирув-тўликтириш маъноли гаплар қаторига киритиш учун етарли асослар мавжуд»⁶.

¹ Пауль Г. Принципы истории языка. – Москва: Иностранная литература, 1960. – С. 176-177.

² Адмони В.Г. Рецензия на книгу Л.Л.Июфик «Сложное предложение в новоанглийском языке»/Вопросы языкознания, 1971, №1.

³ Турниёзов Н., Турниёзова К., Хайруллаев Х. Структур синтаксис асослари. – Тошкент: ФАН, 2009. – Б. 81.

⁴ Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – Б. 164-166; Дәўлетов А., Дәўлетов М., Қудайбергенов М. Ҳазирги қарақалпақ әдебий тили. Синтаксис. Сабақлық. – Некис: Билим, 2009. – Б. 172-174; Дәўлетов М., Сейдуллаева Д. Ҳазирги қарақалпақ тилинде коспа гәплер. – Некис: Қарақалпақстан, 2010. – Б. 31-33; Қордабаев Т. Қазак тилиндегі құрмалас сөйлемдер синтаксиси (Оқу куралы). 2-басылуы. – Алматы: Санат, 1995. – Б. 56-57.

⁵ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси (Синтаксис): Олий ўқув юрглари талабалари ва ўқитувчилари учун. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б.172-173.

⁶ Холодов Н.Н. Сложносочиненные предложения в современном русском языке. Учебное пособие. Ч. 1. – Смоленск: 1975. – С. 96.

Демак, гап компонентлари орасидаги вақт муносабатлари билан ички алоқаларни бир-биридан ажратмасдан, қўшиб ўрганиш боғланган қўшма гапларнинг табиатини тўла очиб бера олмайди. Чунки бир вақтли ва кетма-кет муносабатлар фақат бириктирув боғловчили қўшма гапларгагина эмас, балки қўшма гапларнинг барчасига хос хусусият «Ҳозирги қорақалпоқ адабий тилининг грамматикаси»да келтирилган бир вақтли ва кетма-кет муносабатли боғланган қўшма гапларни таҳлил қилиб кўрайлик.

Бир вақтли муносабатдаги боғланган қўшма гаплар: *Қырман да кеуй қалды, пахтаның жапырағы да түсирлди; Бул екеуйниң тартысып жүргенин мен де билемен, басқа балықшылар да биледи*¹.

Ушбу мисолларда компонентлар орасида семантик айнанлик мавжуд бўлиб, ҳар иккала компонент учун ҳам муштарак бўлақлар бор. Биринчи гапдаги муштарак бўлақ матн қатига яширинган (имплицит шакл). Мисолдаги «*қырман да кеуй қалды*» жумласи «*қырман суўырылды, таўсылды*» маъносида эмас, балки «*пахта кептириў ушын ўсти сыбалып таярланган майданша кеўди*» деган маънони билдиради. Демак, ушбу қўшма гапда «*Терим мапазына таярмыз*» деган имплицит маъно билдирилади. Иккинчи гап компонентлари орасидаги айнанлик улар учун муштарак бўлган иккинчи даражали бўлақлар (*Бул екеуйниң тартысып жүргенин мен де билемен – Бул екеуйниң тартысып жүргенин басқа балықшылар да биледи*) ёрдамида билдирилади.

Кетма-кет муносабатли боғланган қўшма гаплар: *Атлы шопан бағана азанда қойларды жайып кетти де, Ерполат дәркар ўәжлерди алып, изинен жетпекши болып қалып еди; Сайлар ҳам жылғалар оған келип қосыла береди ҳам усылай үлкен дәрья пайда болады*².

Биринчи гап компонентлари орасида бириктирув-қиёслаш маъноси бор (*шопан – Ерполат, кетти – қалды*). Агар икки компонент учун ҳам умумий бўлган «азанда» ҳолидан келиб чиқсак, бу кетма-кет эмас, балки бир вақтда юз берган ҳаракатларни ҳисобланади. Иккинчи гап сабаб-оқибат муносабатини билдиради.

Кўринадикки, вақт муносабатлари боғланган қўшма гапларнинг барчасига хос хусусият эканлиги ҳисобга олинса, компонентлар орасидаги ички (туб) маъноларни эътиборга олмасдан, вақт муносабатли гапларни алоҳида гуруҳга ажратиш мумкин эмас, чунки «барча оқ рангли нарсалар ёки предметлар ичидан оқ рангли нарса ёки предметни ажратиш мумкин эмас»³.

Бобнинг тўртинчи фасли «**Боғланган қўшма гапларни айнанлик ва фарқлилик концепцияси йўналишида ўрганиш муаммоси**» деб номланади. Айнанлик ва фарқлилик муаммоси фанда қадимий даврларданок маълум. Эрамизгача бўлган иккинчи асрда яшаган Варрон бу масалани илк бор ўртага ташлаб, «айнанлик ва фарқлилик – бу нутқни бошқариб турувчи

¹ Ҳозирги қарақалпоқ әдебий тилиниң грамматикасы. Синтаксис. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 418-419.

² Ҳозирги қарақалпоқ әдебий тилиниң грамматикасы. Синтаксис. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 418-419.

³ Холодов Н.Н. Сложносочиненные предложения в современном русском языке. Учебное пособие. Ч. 1. – Смоленск: 1975. – С. 95.

конун», – деб ёзган эди¹. XI асрда яшаган Шарқнинг улуғ алломаси Ибн-Сино ушбу қарашларни яна ҳам ривожлантирди. Унинг фикрича: «...онг якка нарсалардан оддий универсалияларни ажратади... улар учун умумий бўлган ва уларни бир-биридан фарқ қиладиган томонларини эътиборга олади... Шунинг натижасида қалбимизда асосий тушунчалар пайдо бўлади... қалбимиз ўша оддий универсалиялар орасидан инкор қилиш ва маъқуллаш (тасдиқлаш) муносабатларини қарор топтиради»². Шундай фикрлар XIX асрнинг буюк тилшуноси В.фон Гумбольдт концепциясидан ҳам ўрин олган: «... сўз... ҳар доим ўз маъносининг ҳар хиллиги билан объектга айланади ва шу тариқа янги фарқлилик киритади. Лекин бу фарқлиликда, нутқдаги товушлар сингари, бир тил доирасида турли-туман айнанлик кўзга ташланади...»³. XX асрда Гумбольдт ғояларини умумлаштирган ҳолда Ф. де Соссюр: «Бутун тил механизми фақат айнанлик ва фарқлиликларга асосланган», – деб тасдиқлайди⁴.

Ҳар хил даврларда, ҳар хил тилларга нисбатан айтилган бундай фикрларнинг бир-бирини тасдиқлаши тасодифий эмаслигини таъкидлаган ҳолда, профессор Н.Н.Холодов бундай ёзади: «айнанлик ва фарқлилик тилнинг субинвариантли муносабатлари ҳисобланади. Улар – тилнинг ядровий биномидир»⁵.

Юқорида қайд этилган назарий фикрларга суянган ҳолда, қорақалпоқ тилидаги боғланган қўшма гапларнинг маъно муносабатлари мажмуасини аниқлаш мумкин. Бу йўналишда уюшган бўлақлар орасида қўлланиладиган бириктирув боғловчиларини ўрганиш муайян даражада қизиқиш уйғотади. Масалан: *Бизиң үйге Асан менен Абат келди*. Бу гапда «менен» боғловчиси уюшган бўлақларнинг қуйидаги айнанликларини билдиради: 1) иккиси ҳам бир кесимга (*келди*) боғланган; 2) иккисининг ҳам синтактик позицияси бир хил; 3) иккиси ҳам тасдиқ маъносига эга; 4) иккиси ҳам бир хил аксиологик (баҳолаш) семантикасига эга.

Боғланган қўшма гапларда компонентларнинг семантик ўхшашлиги ҳар хил даражада кўзга ташланади. Масалан: *Бегис сөйлеп жарымады, Мыржық та сўзге сараңласты*. (Т.Қайыпбергенов. Бахытсызлар). Бу хил гапларда компонентлар ўхшашлигини аниқлаш қийинчилик туғдирмайди (*жарымады/сараңласты*); *Устирт тегислиги бойлап жүк машиналары зымырайды ҳам поездлар кәрўаны тынбайды* (Газетадан). Ушбу гапда предметлар орасида қандай ўхшашлик борлиги бевосита кўзга ташланмайди. Лекин бунда ҳам предметларнинг маконда ҳаракатланиши, қандайдир бир мақсадга йўналтирилганлиги нуктаи назаридан айнанликка эга эканлиги кўрсатилган. Уларнинг конкрет ҳаракатланиш усуллари бўйича фарқланиши

¹ Варрон М.-Т. О латынском языке/Античные теории языка и стиля. – М.-Л.: ОГИЗ, 1936. – С. 98-104.

² Ибн Сина. Книга о душе / Избранные философские произведения. – Москва: Наука, 1980. – С. 486.

³ Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и о его влиянии на духовное развитие человеческого рода/Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX вв./ – Москва: Учпедгиз, 1956. – С.81-85

⁴ Соссюр Ф. Труды по языкознанию (переводы с французского под ред. А.А.Холодовича). – Москва: Прогресс, 1977. – с. 141.

⁵ Холодов Н.Н. За древними тайнами русского слова «и» – тайны иных масштабов. – Иваново: ИВГУ, 1991. – С. 104.

иккинчи даражали масала: *Қуптан ўагында қалың тоғай серпилди де, жазық далаңлық басланды* (К.Мамбетов. Посқан ел). Бу гапдаги «серпилди» хәм «басланды» сўзларининг лексик семантикасида қандай ўхшашликлар бор? деган ўринли савол туғилади. Шу муносабат билан А.М.Пешковскийнинг куйидаги фикрини келтириб ўтиш ўринли: «уюшганликни юзага чиқарувчи муҳим аҳамиятли омил ушбу уюшган бўлакларнинг предметлик маъноларининг айнанлиги ҳисобланади. Масалан, «қўк» ва «қизил» сўзларининг предметлик маънолари «ранг» тушунчаси орқали бирлашади»¹. Демак, юқорида келтирилган гап компонентларининг айнанлик семантикаси уларнинг иккисига ҳам тегишли бўлган «қуптан ўагында» ҳоли билан белгиланади.

Баъзи ҳолларда боғловчи орқали белгиланадиган айнанлик семантикаси яхлит тобе гап ёки бош гап билан билдирилади: *Мәселе ары-бери боламан дегенше таң да атып, көшеге адамлар өрип шыға баслады* (К.Алламбергенов. Дәрья тартылған жыллар); *Сўз желиси бирден алып кетти ме, я болмаса өзиниң алдында отырған аға султанды умытты ма, ол жагы белгисиз* (К.Мамбетов. Посқан ел).

Умуман, боғланган қўшма гаплардаги боғловчиларни ўрганишда кўпгина ҳолларда ҳажмдор контекстларга етарли эътибор берилавермайди. Масалан, куйидаги мисолда айирув маъноли боғловчининг қўлланилиши контекстан ташқарида нотўғридек туюлади: *Кемпир-гарры да ўйде, ямаса келгиси келмеди ме екен?* Лекин олдинги контекст бундай гап қурилишининг тўғри эканлигини тасдиқлайди: *Неге келмеди екен? Бата алмаған зой. Кемпир-гарры да ўйде, ямаса келгиси келмеди ме екен?* (Х.Ҳамидов. Естелик).

Тил бирликларининг, жумладан, боғловчиларнинг контекстаги ўзаро муносабатлари ҳисобга олинмаса, аксарият ҳолларда улар фақатгина оддий бириктирувчи восита, ҳеч қандай маъно билдирмайдиган бирлик, деган нотўғри тушунча туғдиради. Масалан: *Сәрдар жеңгеси Гүлайым, Бул да арбага минген екен* (Бердақ). Бул гапда да юкламаси фақат сўзларни боғлаш учун қўлланилаётгани йўқ, балки ўзи боғланган гапга қўшимча маъно бериш учун ҳам қўлланилган. Агар ушбу гапни «*Сәрдар жеңгеси Гүлайым, Бул арбага минген екен*» деб ўзгартирсак, Гулойим бу аравага миндими? ёки Гулойим қайси аравага минган? деган саволлар туғилиши табиий. «Бул (Гүлайым) да арбага минген екен» деб қўлланилса, гап маъноси ойдинлашади.

Шу билан бирга, юқорида айтилганлар боғланган қўшма гап компонентлари орасида ўзгачалик, фарқланиш муносабатлари йўқ деганни англамайди. Ф. де Соссюр таъкидлаганидек, фарқлиликлар – бу айнанликнинг аксидир. Гап компонентлари орасида қиёслаш-зидлаш алоқалари бўлганда компонентларнинг ички семантик-грамматик тузилишида ўхшаш эмас (ўзгача) томонларига эътибор қаратилади. Уюшган компонентлар тасдиқ-инкор, антонимик характердаги лексик-семантик

¹ Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – Москва: Учпедгиз, 1956. – С. 442-443.

алоқалар, компонентларнинг аксиологик семантикаси (яхши – ёмон) ва б. бўйича бир-бирига қарама-қарши қўйилади.

Турли муносабатлар ва семантикани билдирувчи боғловчилар бир-бирига яқин, ўхшаш тизимга эга эканлиги ҳам кўзга ташланади: *Балалар китابتы шырайлы ҳам тез оқыды. Балалар китابتы шырайлы, бирақ тез оқыды.* Биринчи гапда «тез» сўзи ижобий аксиологик маъноли бўлиб, у «шырайлы» сўзига уйғун. Иккинчи гапда эса «тез» сўзи салбий аксиологик маъноси билан «шырайлы» сўзига зид келади.

Бобнинг бешинчи фасли «**Боғланган қўшма гапларнинг грамматик-семантик тизими**»га бағишланган.

Тил унсурларидаги туб маънолар ҳам айнанлик (умумий), ҳам фарқлилик (ўзга) характеридаги ҳар хил семантик элементларни ўз ичига қамраб олганлиги сабабли улар махсус бир тизимга бирикади. Ўхшаш элементларнинг бир тизимга бирикиш функцияси – ҳар хил конкрет элементларни бирлаштиришдан иборат. Ҳар хил элементларнинг бир тизимга бирикиш функцияси эса ўша элементларнинг ҳар бирининг оппозион (қарама-қарши) характерда бўлиб, бошқа элементлар билан тиғиз бирлик пайдо этишидан иборат бўлади, яъни бунда бир элементнинг бўлиши бошқа бир элементнинг албатта бўлишини назарда тутати (масалан, лексика тизимида «яхши» маъноси, албатта, «ёмон» маъносининг бўлишини, «яқин» маъноси «узук» маъносининг бўлишини назарда тутати ва х.).

Ҳозирги қорақалпоқ тилида компонентлар орасидаги туб маъноларнинг характери бўйича боғланган қўшма гапларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) бириктирув (ыңғайлас) маъноли гаплар ва 2) зидлов маъноли гаплар.

Бириктирув маъноли гапларга *да, ҳам, да...да*, боғловчилари ҳамда **-п конверби** воситасида боғланган гаплар киради. Улар айнанлик, бир хиллик, бирикув, мослик ва ҳ. умумий маъно муносабатлари билан бир гуруҳга бирлашади. Ушбу маъно муносабатлари компонентларни бириктирувчи боғловчилар ва компонентларнинг лексик-грамматик маънолари билан белгиланади.

Бизнинг тўплаган материалларимизнинг кўрсатишича, *да* боғловчиси ва **-п конверб** воситасида боғланган қўшма гаплар бошқа боғловчилар билан боғланган қўшма гаплар компонентлари улар мазмундан англашиладиган умумий фикр, муштарак ғояга нисбатан айнан (уюшган) бўлади: *Ҳамме ойланып қалды, Ырысқул бий де ҳештеңе дей алмады* (Т.Қайыпбергенов. Маман бий) (гап компонентлари «унсизлик» (жим қолиш) деган умумий маъно атрофида айнанлик пайдо этади); *Көзиме жас қатып, мойыңларым әбден сиресип қалыпты* (К.Мәмбетов. Қызкеткен) (гап компонентлари хафалик, ранжиш, озорланиш маънолари бўйича ўхшаш).

Шунингдек, боғланган қўшма гапларда компонентлар учун муштарак, умумий мазмундаги бирликлар (иккинчи даражали аъзолар, модал ва ёрдамчи сўзлар, бош гап ва эргаш гап), яъни компонентлар учун умумий бўлган контекстлар қўлланилади: *Бир майданда күнниң көзин булт басып, ала-сапыран жаўын жаўып кетти* (К.Мәмбетов. Бахтың болсын, Арыўхан); *Сол ўақытта нәрестениң уўыздай татлы ийиси танаўына ургандай болды*,

және көзин тарса жумып, бир майданга шекем бийхуш болып отырды (Ә.Атажанов. Шөлде); **Қутлымурат инақтың сөйлесіуі** бұрынғыдан пүткіллей өзге, сўзлари де күтә қысқа (Т.Қайыпбергенов. Қарақалпақ дәстаны).

Ҳар хил боғловчилар воситасида бириккан боғланган қўшма гапларнинг туб маънолари фақат бир-бирига ўхшаш бўлиб, умумий бир тизимга бирикиш билан бир қаторда, улар у ёки бу даражадаги хусусиятлари билан ҳам тавсифланади. Масалан, *да* ва *бироқ* боғловчили тўлиқтириш маъноли гапларда айнанлик маъноси ҳам, ўзгачалик маъноси ҳам ифодаланади. *Бироқ* боғловчили гапларда сабаб, шарт ва ҳ. маънолар бўлса, *да* боғловчили гапларда бундай маънолар юзага чиқмайди. Бундан ташқари, *бироқ* боғловчили гапларда чеклаш маъносининг доираси ниҳоятда кенг, *да* боғловчили гапларда эса бундай маънолар миқдори ниҳоятда оз. Аксинча, *да* боғловчили, *-н конвербли* гапларда сабаб-натижа маънолари доираси жуда кенг, *бироқ* боғловчили гапларда бундай маънолар ниҳоятда кам бўлади. Демак, боғланган қўшма гаплардаги туб маънолар тизими соф лингвистик муаммолар қаторига киради ва уларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш қўшма гапларнинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Бириктирув (ыңғайлас) маъноли боғланган қўшма гаплар»** деб номланиб, у тўрт фаслдан иборат. Биринчи фасл **«Бириктирув (ыңғайлас) боғловчили гапларда айнанлик семантикаси»**га бағишланган.

Ҳозирги қарақалпоқ тилида боғланган қўшма гаплар маънолари жиҳатидан кетма-кетлик ёки бир вақтlilik, зидлик, қиёслаш, айирув, ўзгарувчанлик, навбатlilik каби муносабатларни ифодалаш таъкидланади ва улар шаклий-грамматик томондан таҳлил қилинади¹. Аммо бу кўрсатилган маънолар «гапнинг бевосита семантикасини ташкил этмайди»².

Бириктирув (ыңғайлас) маъноли боғланган қўшма гапларни шакллантирувчи компонентлар қандайдир бир умумий, муштарак мавзуга нисбатан тенг, ўхшаш, яқин мазмундаги муносабатларни англaтиб келади. Бундай маъно муносабатлари ниҳоятда ранг-баранг, қандайдир бир конкрет даражада ҳам, умумий, кенг даражада ҳам бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қараганда, компонентларнинг ўзаро ўхшашлиги асосида пайдо бўладиган ва бириктирув (ыңғайлас) боғловчилар орқали билдириладиган туб маъноларнинг доимий (инвариант) маъносига мос келади.

Мантиқий тушунчаларга кўра, бир хиллик, айнанлик маъноси билан мослик маъноси бир-бирига ниҳоятда яқин маънолар ҳисобланади. Масалан, гапда иккинчи компонент мазмуни қандайдир бир жиҳатидан биринчи компонент мазмунига ўхшаш бўлса, бу уларнинг муайян бир даражада бир-бирига мос келишини кўрсатади. Демак, бир ҳодиса ёки воқеа бошқасига мос бўлса, уларда қандайдир бир ўхшаш, мос, бир хил белги бўлади. Ушбу мос

¹ Дәўлетов М., Сейдуллаева Д. Ҳазирги қарақалпақ тилинде қоспа гәплер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2010. – Б. 31-40.

² Махмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: ФАН, 1984. – Б. 3.

маъноли гап компонентларида айнанлик, бир хиллик муносабатларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бундай айнанлик, мослик семантикаси бириктирув (ыңғайлас)-тўлиқтириш маъноли боғланган қўшма гапларда ҳам аниқ кўзга ташланади: *Аздан соң келилер диңк-диңк этип төңкерилип, баслықлар... ҳоққыга мингендей барып ошарылысты да, мәжлистиң ендиги жагын Мәдияр алып кетип, сўзди Алланазар бийбалага берди* (Ш.Сейтов. Халқабад).

Иккинчи фаслда **«Да боғловчили боғланган қўшма гаплар»**нинг функционал-семантик хусусиятлари кўриб чиқилган.

Қорақалпоқ тили бўйича адабиётларда да боғловчиси яқка ҳолда қўлланилганда маъно жиҳатидан иш-ҳаракат, воқеаларнинг кетма-кет бўлганлигини билдиради, компонентларда такрорланиб келганда эса бир вақтда юз берганини билдиради¹, – деб кўрсатилади. А.Нәжимов қорақалпоқ тилида *да/де* боғловчиси бир вақтда ёки кетма-кет бўлган воқеа-ҳодисаларни билдириш билан бир қаторда, зидлик ва сабаб маъно нозикликларини ҳам билдиришини таъкидлайди².

Биз тўплаган материалларнинг кўрсатишича, гап компонентларининг лексик-грамматик мазмуни ҳам боғловчининг функционал хусусиятлари бўйича да боғловчили боғланган қўшма гаплар бир неча турларга бўлинади: соф бириктирув (ыңғайлас) маъноли гаплар: *«Орыс жол» ортадан ҳаглаган нәўпир арнага мегзейди де, аўылларга соқпақлар сагасын усы гүзардан алады* (Ш.Сейтов. Халқабад); *Мәселе усының менен шешилди де, Үсен бий таң азан менен атланып, елине қайтып кетти* (К.Мамбетов); бириктирув (ыңғайлас)-тўлиқтириш маъноли гаплар: *Жигитлер топары тезден жетип келди де, алты ат жегилген ақ күйме Ақтубага қарай тартып кетти* (К.Мәмбетов. Посқан ел); *Шораханга кеткенлерден хабар жоқ, районнан Жийемурат та қайтпады* (Т.Қайыпбергенов. Соңғы хўжим); сабаб-натиха маъноли гаплар: *Кийикти аттың да, бәлеге жолықтық* (Ә.Атажанов. Шөлде); *Тақымга түртилген тепкиниң дәстине шыдай алмай алға қарай шапшыған еки ат бирден атлықты да, түтиндей болып бурқасынлаған жердиң тозаңы аспанға көтерилди* (К.Мәмбетов. Посқан ел); бириктирув (ыңғайлас)-нормуносублик маъноли гаплар: *Сен жылан да, мен адам* («Гүлнәхәр» дэстаны); *Мен атпаспан да, басқалар атып таслайды* (Ю.Әлимбетов. Перзенттиң әжели); *Ҳайўанлардың ҳаммеси жылдың келетугын жолына жуўырысып келипти де, ҳайўанлар арасынан тек түйе гана өз орнынан қозғалмапты* (Рәўияттан).

Бобнинг учинчи фасли **«Да...да... боғловчили боғланган қўшма гаплар»** деб номланади.

«Ҳозирги қорақалпоқ тилининг академик грамматикаси»даги «Уюшган бўлакли гаплар» бўлимида «*да/де* боғловчиси софй боғловчилик вазифасида

¹ Ҳазирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. Синтаксис. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 418; Дәўлетов М. Қарақалпақ тилиндеги қоспа гәплердиң гейпара теориялық мәселелери. – Нөкис: Билим, 1993. – Б. 70.; Дәўлетов М., Сейдуллаева Д. Ҳазирги қарақалпақ тилинде қоспа гәплер. – Нөкис: Қарақалпақстан, 2010. – Б. 32.

² Ҳазирги қарақалпақ тили. Синтаксис. – Нөкис: Билим, 1996. – Б. 250-251.

қўлланилганда... икки компонентли... боғланган қўшма гапларни боғлайди, такрор қўлланилмайди»¹, – деб кўрсатилади. Ушбу грамматиканинг «Боғланган қўшма гап» бўлимида эса бундай дейилган: «*да/де* боғловчиси боғланган қўшма гапнинг компонентлари орасида бир марта ҳам, ёки ҳар бир компонентда такрорланиб ҳам қўлланилади»². Бундай чалкашлик қорақалпоқ тилида *да/де* боғловчисининг боғловчилик ҳам юкламалик функцияларининг асл хусусиятлари тўла ажралмаганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, *да/де* боғловчили боғланган қўшма гаплардаги айнанлик семантикаси компонентларнинг улар учун умумий, муштарак бўлган элементларни бир хилда баён қилишида кўринади, бу эса қўшма гапга ихчам ва кўркем қиёфа беради: *Аўды қарап атырғанда ығып та кетпейик, кеме аўды басып та кетпесин* (Ө.Айжанов).

Да...да... боғловчили гапларда: а) ҳар бир компонент олдинги контекстнинг бир хил натижаси бўлиб келади: *Хан иргелес бўлган соң, кенегес аўылына топылыс та кем, маллары да урлана бермейди* (Т.Қайыпбергенов. Маман бий); б) олдинги контекстни кенгайтириш, тушунтириш маъносида келади: *Бул Сәлийма учун белгисиз, және мынадай бўлади деп айтыў да қыйын, буган оның батылы да бара қоймады* (Ө.Хожаниязов. Айдана); в) компонентлар тобе гап турида келиб, бош гапни тенглик, айнанлик маъносида тушунтиради: *Халқастан соң бас ўәзир менен және ушырасып қайта мәсләхәтлескенде де, басқа кеңесгөйлерди шақырып ойласқанда да, түркий ахунның хан алдында айтқанларын бийкарлайтуғын устағанлы пикирди ҳешким таппады* (Т.Қайыпбергенов. Түсиниксизлер).

Бобнинг тўртинчи фаслида «**-дагы боғловчили боғланган қўшма гаплар**» таҳлил қилинган. Бизнинг тўплаган материалларимизнинг кўрсатишича, боғланган қўшма гапнинг биринчи компонентининг кесими таркибида келиб, боғловчилик вазифасини бажарувчи *-дагы* сўзининг қўлланилиш доираси анча кенг ва уни *да/де* боғловчиси ҳамда *-п* конвербининг синоними сифатида кўрсатиш мумкин: *Гүрмеги жаздырылып кеткен ышқыр гилт-пилти менен ақсақалдың қолында қалдыдагы, шерим етигиниң қонышын жапқан бөз дамбалы аяғына тусаў болып, Назарбай жыңғыл қорага шапты*. (Ш.Сейтов. Халқабад); *Тың әскерлер топқа келип кирди де, жаў жағы топар-топар болып бөлинди* (К.Мәмбетов. Посқан ел); *Арада бирден шәйнек-кесе алысыў пайда болып, жаслардың ойын-заўығы басланып кетти* (К.Мәмбетов. Посқан ел).

-дагы боғловчили боғланган қўшма гапнинг бириктирив (ыңғайлас)-тўлдириш маъноли турларида иккинчи компонент таркибида биринчи компонентнинг умумий мазмунига ёки унинг бир қисмигагина тегишли бўлган сўзлар қўлланилади: *Қунназардың тағы бир әдети – бийтаныс адамның көзинше сыйланғанды тәўир көрер едидагы, оның бұл минезине Балтабай басқадан қанық* (Ш.Сейтов. Халқабад).

¹ Ҳазирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. Синтаксис. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 311.

² Ҳазирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. Синтаксис. – Нөкис: Билим, 1992. – Б. 438.

Қарақалпақ тилида *-дағы* боғловчили боғланган кўшма гапларнинг маълум бир гуруҳини сабаб-натижа маъноли гаплар ташкил этади: *Қус жолдан ат шаптырым оң таманлаўда ҳам оғада бәлентте едидағы, булкәрадан оның не қус екенин Мәдияр серлей алмады* (Ш.Сейтов. Халқабад); Шунингдек, *-дағы* боғловчили боғланган кўшма гаплар компонентлари зидлик маъноси билан бирикади: *Ағамның өзи жақсыдағы, тили шатақ* (Ш.Сейтов. Халқабад).

Гап компонентлари орасида тўсиқсизлик маъноси ҳам бўлиши мумкин: *Буны ирәзаңки булаўға салып, жумалақ бергенде, еплеп саўалтыўға болар едидағы, оған гәрежет қайда!*—деди өкинишли кейип пенен (Ш.Сейтов. Халқабад).

Диссертациянинг «**Зид маъноли боғланган кўшма гаплар**» деб номланган учинчи боби тўрт фасл ва тегишлича бўлимчалардан иборат.

Зид муносабатлар айнанлик ва қиёслаш муносабатлари орқали аниқланади. Бу уч хил муносабатлардаги компонентлар ўхшашлиги баён қилинаётган нарсаларнинг ўзгачалиklarини белгиловчи асос бўлиб ҳисобланади. Масалан, *ўғил/қиз* сўзлари жинс категорияси бўйича фарқланади, лекин қариндошлик нуқтаи назаридан умумий «фарзанд» сўзи орқали бирлашади. Бундаги ўзгачалик муносабатлари тегишли гапларда ҳар хил даражада кўриниши мумкин: 1) *Мениң улым ҳам қызым бар*; 2) *Мақсеттиң улы бар да, Ахметтиң қыз бар*; 3) *Мақсеттиң улы бар, ал Ахметтиң қызы бар*. Биринчи гапда компонентлар орасида ўзгачалик сезиларли эмас, аксинча, уларнинг ўхшашлиги «фарзанд» тушунчаси билан яна ҳам кучайтирилган. Қиёслаш маъносидаги иккинчи гапда умумий асос (фарзандлар) билан бир қаторда ўзгачалик (ўғил – қиз) назарда тутилади. Учинчи гапда эса ўзгачалик маъноси зидлаш-қиёслаш даражасигача етган. Демак, икки нарсанинг қарама-қарши муносабатини аниқлаш учун умумий асос – айнанлик ва фарқлиликни белгиловчи асос ҳисобланадиган ўзига хос хусусиятларни белгилаш зарур бўлади.

Бобнинг «**Бирақ боғловчили боғланган кўшма гаплар**» деб номланган биринчи фаслида мазкур гапларнинг семантик ва тузилиши хусусиятлари, бунда зидлов маъносини англатувчи *бирақ* боғловчисининг бажарадиган вазифалари баён этилган. Компонентларнинг лексик-семантик мазмуни ва *бирақ* боғловчисининг функциясига боғлиқ ҳолда бундай гапларнинг бир неча семантик турлари ажратилади: зидлов-чеклов маъноли гаплар: *Мен зой барар едим, бирақ ол бундай ислер жөнинде мениң менен сөйлесиўди өзине ылайық көрмесе керек* (Х.Хәмидов. Ушқын); *Базарбайдың басын услап көргиси келип кетти, лекин қолы байлаўлы еди* (Ш.Сейтов. Халқабад); зидлов-тўсиқсизлик маъноли гаплар: *Ыссы, лекин ортага от жагылды* (Т.Қайыпбергенов. Маман бий эпсанасы); қиёслаш-зидлов маъноли гаплар: *Балық базар бизлер бетте де бар, лекин Қоңыраттың базары басқа дә!* (М.Нызанов. Соңғы тилек); зидлов-тўлиқтириш маъноли гаплар: *Сиздей гөззаллық рәмзи бәлки ертеклерде де болмаган, бирақ усынишама гөззаллықтың жалғызлықта өтип атырғанына ҳайранман* (К.Мәмбетов.

Посқан ел); *Ханға қарсы шақырық таслағым келеди, әттең мендей алжыған инсанға ким инанады, ким?* (Т.Қайыпбергенов. Түсиниксизлер).

Бобнинг иккинчи фаслида **«Тек боғловчили боғланган кўшма гаплар»** тахлил этилган. Ҳозирги қорақалпоқ тилида «тек» сўзи орқали тузилган боғланган кўшма гапларнинг доираси анча кенг бўлиб, улар билдирадиган маъноси ва тузилишининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Компонентлар мазмунида ўзгачаликлар бўлса, «тек» боғловчиси ажратиш-чеклов ёки зидлаш маъноларини англатади: *Суў ҳеш қайсысыникине жарамайды, тек Дүйсенбайдың атызлары гана жайылып аққан суўдан ишеди* (Т.Қайыпбергенов. Қарақалпақ қызы); *Келсин мейли алтаў болып, он болып, Тек келмесе бўлганы сол «бес қонақ»* (И.Юсупов).

Гап компонентлари орасида чеклов, ажратиш маънолари кузатилади: *Бүгин түни менен кирпичи айқаспаган нөкерлер қашшан уйқыға кетипти, тек гана Нурман уйқысыз* (С.Баҳадырова. Тәғдир).

Тўлиқтириш/тушунтириш маъноли гапнинг иккинчи компонентида, биринчи компонент мазмунидан келиб чиққан ҳолда, кўшимча фикрлар баён қилинади: *Төбелердің күн түспеген тәреплеринде тоқымдай бөлек-бөлек қар жатыр, тек сол шуқым-шуқым қарларды көрип гана қыстың өкшесин көтермеге асықпай атырғанын аңласа болар еди* (Ә.Атажанов. Шөлде).

Бобнинг учинчи фасли **«Болмаса боғловчили боғланган кўшма гаплар»** деб номланади.

Биз тўплаган материаллар қорақалпоқ тилида *болмаса* боғловчили боғланган кўшма гаплар кўп компонентли кўшма гапларнинг редукция жараёнлари таъсирига учраши натижасида пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бундай гапларда боғловчи биринчи компонентнинг умумий мазмунига тегишли бўлиб келади ва муқобил-ўзгачалик маъносини билдиради: *Жиберетугын бала тап, болмаса өзим шығаман // Жиберетугын бала тап, егер бала таппасаң, өзим шығаман.*

Қорақалпоқ тилида *болмаса* боғловчиси ёрдамида боғланган кўшма гаплар *я (яки, ямаса)* боғловчили гапларга маънон яқин бўлади. Ушбу боғловчилар бир-бирининг ўрнида қўлланилганда гап мазмуни унча ўзгаришга учрамайди: *Жақын жерде жан көринбеди, я қашып баратырған аң жоқ // Жақын жерде жан көринбеди, болмаса қашып баратырған аң жоқ;*

Лекин кўпчилик ҳолларда бу боғловчиларни бир-бирининг ўрнида қўлланиб бўлмайди. Бу боғловчиларнинг функциясида ташқари, гап компонентларининг лексик-грамматик мазмунига ҳам боғлиқ бўлади: *Иниси Мыржық эле жаслаў, болмаса илаҳийда зор жигитлер* (Т.Қ. Бахытсызлар) // **Иниси Мыржық эле жаслаў, ямаса илаҳийда зор жигитлер.*

Ушбу бобнинг тўртинчи фаслида **«Қиёслаш маъноли боғланган кўшма гаплар»**нинг функционал-семантик хусусиятлари баён қилинган.

Қорақалпоқ тилида *ал, бирақ, лекин* ва б. боғловчили боғланган кўшма гаплар маънолари бўйича еки гуруҳга осон ажралади: зидлаш ва қиёслаш маъноли гаплар.

Қиёслаш муносабатлари, энг аввало, *ал, болса* боғловчиларига боғлиқ ҳолда юзага келади. Уларда қандайдир бир йўналишдаги ўзгачаликлар, фарқлар қиёсланади: *Оган ханлық керек, ал биз екеўимизге елдиң бирлиги керек* (Т.Қайыпбергенов. Бахытсызлар); *Оны зарры билди, ал басқалалары өз баслары менен гай* (Ә.Атажанов. Шөлде).

«**Ал боғловчили гаплар**»да компонентларнинг лексик-грамматик мазмунига боғлиқ ҳолда қиёслаш маъноли боғланган қўшма гапларнинг куйидаги кичик турлари ажратилади: 1) соф қиёслаш маъноли гаплар: *Нөкис болса ол ўақытта бир поселка типиндеги қала еди, ал ҳазир ол белгили қалалардың бирине айланған* (К.Мәмбетов. Москвадан келген қыз); 2) қиёслаш-зидлаш маъноли гаплар: *Бөлмениң иши қапырық еди, ал сыртта өлпең жел бар* (Ә.Атажанов. Шөлде) / *Бөлме иши қапырық еди, ал сырттағы ҳаўадан демиң қысылады*; 3) қиёслаш-тўсиқсизлик маъноли гаплар: *Журттың жаны шығайын деп тур, ал мына бала қозғалайын демеиди* (Ә.Атажанов. Шөлде); 4) қиёслаш-тўлиқтириш маъноли гаплар: *Бийшара зарры есикке қараў менен күнелтеди, ал жалғыз жасаў бәринен де аўыр* (Т.Қайыпбергенов. Маман бий эпсанасы); *Сен маған қуда бала, ал мен саған қудаша боламан* (А.Алиев); 5) Номуносиблик маъноли гаплар: *От жабайы аңлардан қорғайды, ал бундай түнлерде немецлерден қорқпаўға бўлади* (Б.Полевой).

Қиёслаш маъноли боғланган қўшма гапларнинг биринчи компоненти иккинчи компонентга нисбатан шарт, тўсиқсизлик, сабаб маъноларини англантиб келиши мумкин: *Күшимиз жеткенде маңымызга жолатпас едик, ал зорға не қыласаң?* (Л.Толстой); *Абат еринлерин зорға қыймылдатты, ал Айнахан оның сыбырлысынан ҳеш нәрсе түсинбеди* (Х.Сейтов. Халқабад).

«**Болса боғловчили боғланган қўшма гаплар**» таҳлили шуни кўрсатдики, *болса* боғловчиси баъзан айнанлик, бир хиллик, иккинчи бир ҳолатларда эса ўзгачалик (фарқлилик) кўрсаткичи вазифасини бажаради.

Боғланган қўшма гапларда «*болса*» сўзининг боғловчилик функцияси аниқ кўзга ташланади, буни мазкур сўзга мазмунан яқин бўлган бириктирувчи боғловчиларни қўллаш орқали ҳам кўрсатиш мумкин: *Ысмайыл бул аўҳалды көрип әдеўир қыйналды, воевода Колупаев болса пәрўайы-пәнсери* (К.Мәмбетов. Посқан ел) / *...бироқ Колупаев пәрўайы-пәнсери; Мынаў орыс көпеси де бас ийди, сизлер болса мириўбеттен сыртта қалып баратырсыз, аяйман* (Т.Қайыпбергенов, Түсиниксизлер) / *...ал сизлер мириўбеттен сыртта қалып баратырсыз, аяйман*.

Болса боғловчиси орқали боғланган қўшма гаплар куйидаги ҳолларда ўзгачалик маъноларини билдиради: а) гап семантикаси компонентлардаги субъектларнинг антонимлик мазмунига, зидлик маъносига асосланади: *Жора-жолдасларының бәри де еле жолбарыстай, өзи болса жасына жетпей зарры болып қалған адамдай мыллыып жүргени* (К.Мәмбетов. Хўждан); б) компонентлар мазмуни бир-бирига мос келмайди ва сўзловчининг биринчи компонентдан кутган натижасига зид маънодаги ҳодиса юз беради: *Ыраштың басында суўдың қайтыўын күтип еки-үш күн жаттым, суў болса шаныып қойған сырықтан да асып кетипти* (К.Алламбергенов. Дәрья

тартылған жыллар); в) гап компонентлари орасида тўсиқсизлик маъноси бўлади: *Дастур бўйича атыңа бир шелек суў тартып бериўим керек еди, мен болсам сэл жерде бийәдеплик еттим* (У.Пиржанов. Ақ тал астындағы ақшам).

Болса боғловчиси айнанлик, бир хиллик маъноларини англатишга ҳам хизмат қилади: Кўни кеше инисин баспашы атып кетти, жалғыз баласы болса, ауызынан ақ көбик шашып, „Ақ кесек“ те байланып атыр... (Ш.Сейтов. Халкабад); *Байғус анамның гей ўақытлары нан жаўып, сыйыр саўыўға ҳәли келмей қалатуғын еди, атам болса гей жыллары мөлдек қаўын-қәмек те еге алмай қалып жүрди* (К.Алламбергенов. Дәрәя тартылған жыллар).

Диссертациянинг «–п конвербли боғланган қўшма гаплар» деб номланган тўртинчи бобида –п конвербининг туркий тилшуносликда ўрганилиш тарихига шарҳлар берилган ва бундай гапларнинг тузилмавий-семантик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Туркий тилшунослик аънасида содда гап шаклида ифодаланган икки оддий воқеа орасидаги алоқани билдириш учун тусланмайдиган феъл шакллари қўлланилади. Бундай шакллар рус тили намунасида «деепричастие» (равишдош), Европа мамлакатлари лингвистик аъналариди, асосан, олтой тилларига бағишланган грамматикаларда «конверблар» (converb/Konverb/ Converbum) деб номланади¹.

Қўшма гапларда –п конвербининг қўлланилиш хусусиятлари тўғрисида гапириб, бу ҳодисанинг анча мураккаб эканлигини ўз вақтида Н.З.Гаджиева алоҳида таъкидлаган эди: «аксарият ҳолларда бундай гапни қандай баҳолаш керак – эргаш гап сифатидами ёки боғланган қўшма гап таркибидаги алоҳида ўзига хос гап сифатидами? деган масалани ҳал қилиш қийинчилик туғдиради»².

Туркий тилшуносликда кесими тусланмайдиган феъллар билан ифодаланган қўшма гаплар эргашган қўшма гаплар³, содда гаплар⁴ сифатида қаралади. Аммо, бундай бирёклама фикрларга қўшилиш қийин. Чунки тил ҳодисаларига, гап компонентларини аниқлаш мезонларига ёндашиш барча туркий тиллар учун бирдек бўлиши мумкин эмас. Улар қиёсий характерда аниқланиши лозим. Мазкур масала бўйича М.Ш.Ширалиевнинг куйидаги фикри анчагина ўринлидир: «Эргашган қўшма гаплар масалаларини ҳал қилишда ҳар бир конкрет тилнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олмасдан, ҳамма туркий тиллар учун умумий бўлган ечимлар тавсия қилишга бўлмайди»⁵.

¹ Haspelmath M., E. König (eds.). *Converbs in Cross-Linguistic Perspective (Structure and Meaning of Adverbial Verb Forms — Adverbial Participles, Gerunds)*. Berlin – New York: Mouton de Gruyter, 1995.

² Гаджиева Н.З. Критерии выделения придаточных предложений в тюркских языках//Вопросы языкознания, Москва, 1957, №3. – С. 117.

³ Черемисина М. И. и др. Структурные типы синтетических полипредикативных конструкций в языках разных систем. – Новосибирск. 1986. – 186 с.

⁴ Гузев В.Г. Опыт разработки теоретических основ описания тюркского функционального синтаксиса/Филологические исследования. Вып. 27. СПб.: Издательство С.-Петербургского ун-та, 2006. – С. 56.

⁵ Ширалиев М.Ш. Проблема сложноподчиненного предложения в азербайджанском языке / В кн.: Вопросы составления описательных грамматик. – Москва, 1961. – С. 159.

Ўзбек тили бўйича кейинги тадқиқотларда ва дарсликларда равишдошнинг кесим вазифасида келиши тўғрисидаги қоидалар нотўғри, деб топилди, *-иб, -гач, -гунча, -са, -са ҳам* каби грамматик шакллар қўшма гап компонентларини боғлаб бириктирмайди¹, – деган фикр билдирилди.

Бизнингча, бундай фикрлар тил ҳодисаларини шаклий-гузилиш нуқтаи назаридан таҳлил этиш, унга бир томонлама ёндашиш оқибатидандир. Бундай қарашда қўшма гаплар компонентлари орасидаги туб маънолар, компонентларнинг лексик-грамматик мазмуни эътибордан четда қолади.

Қорақалпоқ тилшунослигида қўшма гапларга бағишланган ишларда *-п конвербли* гаплар: боғловчисиз эргашган қўшма гап; синтетик тобе қўшма гап; нисбий сўзли (аналитик) эргашган қўшма гап ва боғловчисиз қўшма гаплар, деб тавсифланади².

Кўринадик, *-п* конвербли гаплар қандай тамойиллар асосида, қандай белгилари ва маъноларга қараб у ёки бу гуруҳдаги гаплар таркибига киритилгани бутунлай тушунарсиз. Бундан ташқари, гап компонентлари орасидаги семантик муносабатлар сифатида фақат пайт (бир вақтлик ва кетма-кетлик) белгисигина кўрсатилган.

Турк олими М.Эрдал боғланган қўшма гапларнинг бундай хусусияти қадимий туркий тилда ҳам мавжуд эканлигини кўрсатган ҳолда, бундай ёзади: «агар гап компонентлари тегишлича алоҳида ўз субъектига эга бўлса, *-п* конверблар бириктирувчи восита вазифасини бажаради»³. М.Хенгирмен, конвербларни семантик белгилари бўйича таснифлаб, *-р* конвербинини (фақатгина шу шаклни) бириктирувчи конверблар (боғлама улачлари)⁴ қаторига киритади.

«Олтой тили грамматикаси»да *-п* конвербининг бириктирув функцияси таъкидланади: *Жер аңданып, қыртыжы төмөн болор; Теңис чайбалып, түби көрүнер*⁵. П.В.Гращенко ва М.Б.Ермолаевалар тенг боғланиб, компонентларнинг алоҳида ўз эгалари бўлган гапларни боғланган қўшма гаплар қаторига киритади⁶. Ўзбек тили бўйича адабиётларда *-п* конверби ўрни билан бириктирувчи (ыңғайлас) боғловчилар вазифасида қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилади⁷. «*-п* шаклли равишдош кўп маъноли бўлганлиги сабабли ҳам жуда кўп функцияларни бажаради. Бу борада унга туркий тиллардаги ҳеч бир равишдош тенг кела олмайди», – деб ёзади А.А.Юлдашев ва туркий тилшуносликдаги «бошқа равишдошлар каби, *-п* шаклли равишдош

¹ Предикатив бирликлар ва улар орасидаги муносабат. Тузувчилар: Ф.С.Убаева, Р.Р.Сайфуллаева. – Тошкент: ФАН, 1989. – Б. 10.

² Дўлётов М., Сейдуллаева Д. Ҳозирги қарақалпоқ тилинде қоспа гәплер. – Нөкис: Қарақалпоқстан, 2010. – Б. 61-155.

³ Erdal M. Grammar of old Turkic. Leiden: Brill, 2004. 580 p. P.462.

⁴ Hengirmen M. Turkçe Temel Dilbilgisi. Ankara. 2006. 254–266 с. P. 255.

⁵ Грамматика алтайского языка. Составлена членами Алтайской миссии. – Казань, Университетская типография, 1869. – С. 277

⁶ Гращенко П. В., Ермолаева М.Б. О двойственной природе тюркских конвербов / Вестник Московского университета. Серия 9. Филология. М.: Издательство Московского государственного университета имени М.В. Ломоносова №2, 2015. – С. 42-57.

⁷ Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 205; Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: ФАН, 1992. – С. 207.

хам фақат иккинчи даражали ҳаракатни баёнлайди», деган фикрнинг нотўғри эканлигини таъкидлайди¹.

Бизнинг тўплаган материалларимиз ҳам ушбу фикрнинг тўғрилиги кўрсатади. Биринчи компонент кесими –*n* *конвербли* бўлган боғланган қўшма гапларни ажратишнинг муҳим ва аниқ мезони – компонентлар орасига бириктирувчи (ыңғайлас) боғловчи (*да, ҳам*) қўйиш мумкин ва бу гап компонентларининг айнанлик муносабатда эканлигини яна бир қарра тасдиқлайди. Бундан ташқари, -*n* конверби шахс-сон маъносига эга бўлган иккинчи компонент кесимининг шаклини имплицит тарзда ифодалаб келади. Бу, айниқса, тенг тобеланган қўшма гаплар таркибида аниқ кўзга ташланади: *Эптер-тәптер бўлган қыс күнлериниң ләмгершилиги курғап, еле ала бәҳәрдин ушлығы көринбесе де, кектен шуғла төккен қуяштың жағымталлы шуўағы менен жер бети пуўласқандай болып, төңбектей шөккен тоңлар кем-кемнен мумдай жибисти* (Ө.Хожаниязов. Айдана).

-*n* конвербининг бундай ўзига хос функционал хусусиятлари тилда услубий ранг-барангликни, экспрессивликни, гап компонентларини уйғунлаштиришни таъминловчи боғловчи восита ҳисобланади.

Ушбу бобнинг тўртинчи фасли «-*n* **конвербли боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятлари**»ни ўрганишга бағишланган.

Ҳозирги қорақалпоқ тилида –*n* конвербли боғланган қўшма гапларнинг турлари компонентлар орасидаги туб маънолари бўйича ниҳоятда ранг-баранг бўлиб келади.

Соф бириктирув (ыңғайлас) маъноли гаплар семантикаси улар учун муштарак бўлган қандайдир бир умумий маънога нисбатан ўхшаш, уюшган бўлиб келади: *Отаўдың жабығы түрилген болып, ыбыр-жыбыр нагыслары көзге тасланады* (К.Мәмбетов. Москвадан келген қыз).

Айнанлик семантикасини билдириш учун олдинги контекстдаги гаплар ва кўп компонентли гаплар таркибидаги тобе гаплар қўлланилади: *Михайлдың қонақ күтетугын бөлмесиниң өзи де ногалының тары атызынан кем эмас. Ортада үлкен стол жасалып, қапталларына табуреткалар қойылган* (К.Мәмбетов. Посқан ел); *Қоңыратлылар Көкөзекке тақалғанда газ-қатар гезелерден мылтықлар атылып, хан ләшкерлериниң биразы аттан ушты* (Т.Қайыпбергенов. Бахытсызлар). Муштарак (умумий) аъзо бош гап вазифасида келиши мумкин: *Усыннан мен қасқырға жем болып, Бийбижамал басқыншылар қолында кетсе, сорлы анамның күни қалай болар екен?* (К.Мәмбетов. Бозатаў). Шунингдек, гап компонентларининг айнанлигини таъминловчи муштарак семантика компонентлар учун умумий бўлган иккинчи даражали бўлақлар; кириш бўлақлар ва кўмакчи сўзлар орқали билдирилади: *Қуптан болыўдан аспанды қара булт қаплап, арқадан қатты самал ести* (К.Султанов. Ақдәрья); *Деген менен, сол күнлерден баслап Сийпатдийинниң кеўилинде алағула пайда болып, жатса да, турса да Палбийкени ойлайтуғын әдетке жолықты* (У.Пиржанов. Қарда қалған излер); в) *Бирақ муз қатар алдындағы қақаман боранның ырайы қайтып, күн тағы жылытып кетти* (К.Султанов. Ақдәрья).

¹ Юлдашев А.А. Соотношение деепричастных и личных форм глагола в тюркских языках. – Москва: Наука, 1977. – С. 26.

Компонентларда семантикаси ва грамматик вазифалари бўйича бир-бирига яқин бўлган сўзлар, уюшиқ мазмундаги турғун сўз бирикмалари қўлланилиши мумкин: *Көзиме жас қатып, мойыңларым әбден сиресип қалыпты* (К.Мәмбетов. Қызкеткен); *Бахты тайған адамның ешеги адымда сүрнигип, көлеңкесинен жылан шығады* (Т.Қайыпбергенов. Бахытсызлар).

Ҳозирги қорақалпоқ тилида *-п* конвербли гапларнинг муайян бир гуруҳини бириктирув (ыңғайлас)-тўлиқтириш маъноли гаплар ташкил этади: *Әйўанның алды қатар бағ болып, ҳәр бири муштай келетугын қып-қызыл алма менен алмуртлар төменге қарай салбырап кеткен* (К.М. Бахтың болсын, Арыўхан).

-п конвербли гаплар компонентлари орасида айнанлик маъноси баъзи ҳолларда сабаб, натижа, шарт, чеклов маънолари билан мураккаблашади. Бунда асосий айнанлик (уюшганлик) маъноси сақланиб қолинади ва айтилган сабаб, натижа, шарт, чеклов маънолари қўшимча вазифаларни бажаради. Биз бундай гапларни умумий бир термин билан – **сабаб-натижа маъноли гаплар** деб номлаймиз: *Аманбай сүзген қырманын қаплап дәсме-дәс ешекке артып, балашағасы менен боздан үйине тасып алып, ошақ басы мәзи-майрам болып қалды* (Х.Ҳамидов. Ушқын); *Қопалықтан шыға қашқан падалы атын үрkitип, жигит жығылыўдан сәл қалды* (Ш.Сейтов. Халқабад); *Қассаплар мал сойып, аспаплар қазан асыўға ҳәзирлик көрип атыр* (Т.Қайыпбергенов. Бахытсызлар); *Бул қуўған сайын, бәледен жыйрылып қашқан кәрўандай пароход кем-кемнен араны ашып, тек узақтан буўдақ түтинлердиң көкте сағымы гана көринди* (К.Султанов. Ақдәрья).

ХУЛОСА

Туркий тилларда, хусусан, қорақалпоқ тилида боғланган қўшма гапларнинг ҳар хил аспектларини тадқиқ қилиш тарихини ўрганиш боғланиш муносабатларининг семантикасига доир масалаларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги сабабли боғланган қўшма гаплар ҳақидаги илмий тушунчаларнинг бундан буён ҳам ривожланиши талаб даражасида эмаслигини кўрсатди. Гап компонентлари орасидаги турли муносабатларни ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Диссертацияда келтирилган тил материаллари ва уларнинг таҳлили лингвистик ҳодисаларни айнанлик ва фарқлилик концепцияси нуқтаи назаридан ўрганишга махсус йўналтирилган тадқиқот аспекти боғланган қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятларини очиб беришда аҳамиятли эканлигини кўрсатди. Ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар ҳозирги қорақалпоқ тилидаги боғланган қўшма гапларни тил бирликлари орасида кенг тарқалган, компонентлар ички механизмининг айнан ва фарқли томонларини синтезловчи алоҳида грамматик категория сифатида тушунишга ёрдам беради.

2. Айнанлик ва фарқлилик онтологик муаммоси тил бирликларини, хусусан, боғланган қўшма гапларни ўрганишда кенг имкониятларга ва етарли даражада амалий салоҳиятга молик назариялардан бири ҳисобланади. Тилда бириктирув алоқалари айнанлик муносабатларини, зидлаш алоқалари эса фарқлилик муносабатларини фаоллаштириши мумкинлигини, шунингдек, тобе алоқа уюшмаганлик, фарқлилик муносабатларини билдиришини эътиборга

олсак, қорақалпоқ тилидаги тенг боғланиш тизимининг умумий тарихий тараққиёти йўналишларида объектив борлиқдаги айнанликларни тушунишдан фарқлиликларга томон эътибор кучайиб борганини тушунтириб бериш имкони яратилади.

3. Ҳозирги қорақалпоқ тилида боғланган қўшма гаплар ўз грамматик маъноларининг айнанлиги ва фарқлилиги асосида яхлит бир тизим пайдо қилади. Бу тизимнинг асосини *да (ҳәм, және), бирақ, лекин, ал* боғловчилари орқали боғланган, шунингдек, биринчи компонентининг кесими *-и* конверби бўлган гаплар ташкил этади. Ушбу боғловчи воситалар гап компонентлари орасидаги туб маъноларни билдириш билан бир қаторда, лексик-грамматик муносабатларда пайдо бўладиган ҳар хил даражадаги қўшимча маъноларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Айнанлик унсурларининг бир тизимга бирикиш функцияси – ҳар хил конкрет элементларни бирлаштиришдан иборат. Ҳар хил элементларнинг тизимга бирлашиш функцияси эса ўша элементлар ҳар бирининг оппозицион (қарама-қарши) характерде бўлиб, бошқа элементлар билан жипс birlik пайдо этишидан иборат бўлади, яъни бунда бир элементнинг мавжудлиги иккинчи бир элементнинг, албатта, бўлишини тақоза этади.

4. Ҳозирги қорақалпоқ тилида боғланган қўшма гаплар компонентларининг лексик-грамматик мазмуни ва қўлланилган алоқа воситаларига кўра бириктирув маъноли гаплар ва зид маъноли гаплар сифатида катта икки гуруҳга ажратилади. Бириктирув маъноли гапларга *да, ҳәм, да...да* боғловчили ва *-и* конвербли гаплар киради. Улар айнанлик, яхлитлик, бириктирув, мослик ва ҳ. умумий маъно муносабатлари билан бир гуруҳга бирлашади. Бириктирув боғловчили гапларнинг туб маънолари билан боғловчи орасидаги ўзаро муносабатлар ҳар хил бўлиши мумкин. Биринчидан, компонентлар семантикаси боғловчи семантикасига мос келеди. Иккинчидан, компонентлар мазмуни боғловчи семантикасига нисбатан нейтрал бўлади. Учунчидан, баъзи гапларда компонентлар мазмуни боғловчи семантикасига зид келиши мумкин.

5. Ҳозирги қорақалпоқ тилида *да* боғловчили боғланган қўшма гаплар муҳим аҳамиятга эга. Бундай гапларнинг тузилиши ва семантикасини, қўлланилган боғловчининг функционал хусусиятларини ўрганиш давомида *да* боғловчисининг айнанлик, яхлитлик, уюшганлик семантикаси бошқа ҳар хил хусусий маъно муносабатлари билан турли даражада алоқада бўлиши аниқланди. Гап компонентларининг лексик-грамматик мазмуни ва боғловчининг функционал хусусиятларига кўра *да* боғловчили боғланган қўшма гаплар бир неча турларга бўлинади: соф бириктирув, бириктирув-тўлиқтириш, сабаб-натига, бириктирув-номуносиблик, бириктирув-чеклов маъноли гаплар.

6. Қорақалпоқ тилида *да...да...* боғловчили гаплардаги айнанлик семантикаси компонентларнинг улар учун умумий, муштарак бўлган элементларни тенгдек баён этишида кўринади, бу эса қўшма гапларга ихчамлилиқ ва қўлайлилиқ бахш этади. Бундай гаплар умуман боғланган қўшма гаплар иерархиясида *да* боғловчили қўшма гапларга ўхшаш бўлиб келади.

7. Боғловчи функциясини бажарувчи *-дагы* сўзининг қўлланилиш доираси анча кенг ва у *да* боғловчиси билан *-и* конвербининг синоними сифатида кўринади. Уюшиқ таркибли *-дагы* боғловчили боғланган қўшма гап

компонентларининг айнанлигини билдирувчи воситаларнинг ҳар хил турлари мавжуд: имплицит ва эксплицит шаклда берилган уюшиш координаторлари, коммуникатив мақсад уйғунлиги, феъл-кесим шакллари ва ҳ. Буларнинг барчаси айнанлик, бир хиллик, уюшганлик маъноларини максимал даражада таъминлайди. Шу билан бирга, ҳозирги қорақалпоқ тилида *-дағы* боғловчили боғланган қўшма гапларнинг муайян бир гуруҳини сабаб-натижа маъноли ташкил этади. Бундай гапларда сабаб-натижа, шарт-натижа ҳам б. ички маъно муносабатлари соф бириктирув маъноси, яъни айнанлик, бир хиллик маъносининг мослик маъносига тусланишининг натижаси ҳисобланади.

8. Тилшуносликда айнанлик ва фарқлилик тушунчалари орасида ажралмас диалектик алоқалар мавжуд. Фарқлиликни аниқлаш мезони айнанликдир. Билиш жараёнида айнанлик – турғун, фарқлилик эса – ўзгарувчан бўлади. Демак, нутқда ва ёзувда биз айнанликни аниқлаб олишдан фарқлиликни ажратишга томон ҳаракатланамиз. Тилдаги ҳар бир атама, сўз, гап ёки матн мазмуни – маълум бир объектнинг бошқа объектлар билан ўхшашлигини ва улардан фарқларини аниқлашдан иборат. Ҳозирги қорақалпоқ тилидаги зид боғланган қўшма гапларни ҳам ушбу айнанлик ва фарқлилик семантикаси йўналишида ўрганиш уларнинг семантик-функционал хусусиятларини тўлароқ очиқ бериш имконини яратади.

9. Ҳозирги қорақалпоқ тилида зид маъноли боғланган қўшма гаплар тизимининг ўзагини *бирақ, ал, тек, болса, болмаса* боғловчили гаплар ташкил этади. *Бирақ* боғловчили қўшма гаплар компонентлари орасида айнанлик семантикаси бош ўринни эгаллайди. Компонентларнинг лексик-семантик мазмуни ва боғловчининг функциясига кўра, *бирақ* боғловчили гапларнинг қуйидаги турлари ажратилади: зидлов-чеклов; зидлов-тўсиқсизлик; қиёслаш-зидлов; зидлов-тўлиқтириш маъноли боғланган қўшма гаплар.

10. Ҳозирги қорақалпоқ тилида *тек* сўзи орқали тузилган боғланган қўшма гаплар анча кенг тарқалган бўлиб, улар англатадиган маъноси ва тузилиш хусусиятларининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Боғланган қўшма гап компонентлари орасидаги алоқаларни кўрсатиш учун *тек* сўзининг семантикаси ҳам, компонентларда ифодаланган хабарлар орасидаги алоқалар характери ҳам (айнанлиги ёки фарқлилиги, ўзгалиги) муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, қорақалпоқ тилида *тек* боғловчили боғланган қўшма гапларнинг асосий икки тури мавжуд: чеклов/ажратиш маъноли гаплар ва тўлиқтириш/тушунтириш маъноли гаплар.

11. Қорақалпоқ тилида *болмаса* боғловчили боғланган қўшма гаплар кўп компонентли қўшма гаплардан редукция жараёнларининг таъсири натижасида пайдо бўлган. Бунда боғловчи биринчи компонентнинг умумий мазмунига тегишли бўлади ва муқобиллик-фарқлилик маъносини англатади: *Жиберетугын бала тап, болмаса өзим шығаман // Жиберетугын бала тап, егер бала таппасаң, өзим шығаман*. Бундай кўп компонентли гапларнинг эргашган қўшма гап туридаги иккинчи қисмида биринчи қисмда айтилган нарсани бажариш зарурлигининг сабаби, асоси баёнланади. Аммо редукция натижасида пайдо бўлган икки компонентли гапларда шарт маъноси эксплицит (яширин) тарзда бўлгани учун улар айирув маъноли гаплар ҳисобланмайди. *Болмаса* боғловчили боғланган қўшма гаплар компонентлари орасидаги семантик муносабатлар

бўйича улар асосан икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳдаги гапларда биринчи компонентнинг мазмуни иккинчи компонентда баён қилинган иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг амалга ошиши имкониятини рад этади. Иккинчи гуруҳдаги гапларда уюшиқ мазмундаги компонентларда келтирилган иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг бириси амалга оширилиши мумкинлиги баён қилинади.

12. Қорақалпоқ тилида, *ал, бирақ, лекин* ва ҳ. боғловчили боғланган қўшма гаплар икки гуруҳга ажратилади: зидлов ва қиёслаш маъносидаги гаплар. Қиёслаш муносабатлари, энг аввало, *ал, болса* боғловчилари ёрдамида юзага келади. Уларда қандайдир бир йўналишдаги фарқлар, ўзгачаликлар қиёсланади. *Ал* боғловчисининг асосий функцияси – боғланган қўшма гаплар компонентлари орасида қиёслаш муносабатларини белгилашдан иборат, айти пайтда, бундай гапларда маълум бир контекст мазмунидан келиб чиқиб, қўшимча семантик маънолар ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, *ал* боғловчили боғланган қўшма гаплардаги қиёслаш муносабатлари бир вақтнинг ўзида айнанлик ва фарқлилик семантикасини ўз ичига қамраб олади. Компонентларнинг лексик-грамматик мазмунига боғлиқ ҳолда *ал* боғловчили боғланган қўшма гапларнинг қуйидаги кичик турлари ажратилади: соф қиёслаш, қиёслаш-зидлаш, қиёслаш-тўсиқсизлик, қиёслаш-тўлиқтириш, номуносиблик маъноли гаплар.

13. Ҳозирги қорақалпоқ тилида *болса* боғловчиси орқали боғланган қўшма гапларнинг таҳлили мазкур сўзнинг гоҳ айнанлик, бир хиллик, гоҳ фарқлилик (бошқачалик) кўрсаткичи вазифасини бажаришини кўрсатади. Фарқлилик маъноли гап компонентлари орасида зидлик маъноси бўлади, бунда: гап семантикаси компонентлардаги субъектларнинг антонимлик мазмунига, зидлик маъносига асосланади; компонентларнинг мазмуни бир-бирига мос келмайди ва сўзловчининг биринчи компонентдан кутган натижасига зид маънодаги ҳодиса юз беради; компонентлар орасида тўсиқсизлик маъноси бўлади. *Болса* боғловчили боғланган қўшма гаплар айнанлик, бир хиллик маъноларини англашиб келганда гап компонентлари орасида бириктирув-кенгайтирув, шунингдек, қиёслаш, тўлиқтириш-кенгайтириш маънолари бўлади.

14. Қорақалпоқ тилида -п конверби боғланган қўшма гап компонентларини боғловчи восита ҳисобланади. Тўпланган материаллар ва уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, -п конвербли боғланган қўшма гапларни ажратишнинг муҳим ва аниқ мезони – компонентлар орасига бириктирув (ыңғайлас) боғловчи (*да, ҳам*) қўйиш мумкин ва бу гап компонентларининг айнанлик муносабатда эканини яна бир бор исботлайди. Ҳозирги қорақалпоқ тилида -п конвербли боғланган қўшма гаплар қўлланилиши жиҳатидан ҳам, маъно муносабатлари томонидан ҳам кенг қўлланилиш доирасига эга бўлиб, бошқа турдаги бириктирув боғловчили қўшма гапларга тифиз боғлиқ бўлиб келади. Ушбу хусусиятига кўра, -п конверби ниҳоятда кўп турли маъно-мазмундаги компонентларни бириктира олади: соф бириктирув, бириктирув-тўлиқтириш, сабаб-натижа маъноли гаплар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ БЕРДАХА**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

АЛЬНИЯЗОВ АЙТМУРАТ ИСМАИЛОВИЧ

**ФУНКЦИОНАЛЬНО-СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ
СЛОЖНОСОЧИНЕННЫХ ПРЕДЛОЖЕНИЙ
В СОВРЕМЕННОМ КАРАКАЛПАКСКОМ ЯЗЫКЕ**

10.00.03 – Каракалпакский язык

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации на соискание ученой степени
доктора филологических наук (DSc)

Нукус – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2. DSc/ FI.29

Докторская диссертация выполнена в Каракалпакском научно-исследовательском институте гуманитарных наук ККО АН РУз.

Аннотация диссертации размещен на трех языках узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице Научного совета (www.karsu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyouet» (www.ziyouet.uz).

Научный консультант:	Абдиқазимов Шамшеддин Нажимович доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Махмудов Илхомиддин Мамадалиевич доктор филологических наук, профессор Қудайбергенов Мамбеткерим Саренбийевич доктор филологических наук, профессор Соегов Мурадгалия доктор филологических наук, профессор, академик Академии наук Туркменистана
Ведущая организация:	Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. FI.20.01 при Каракалпакском государственном университете в 10 часов 30 июня 2020 года. Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдилова, д.1. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирована под номером ___). Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч.Абдилова, д.1. Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@edu.uz.

Аннотация диссертации разослана 20 июня 2020 года.
(Протокол реестра за № 20 от 20 июня 2020 года).


И.о. председателя научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, д. ф.л., профессор
К.Алламбергенов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, док. филол.н. (DSc)
Г.Е.Кармыбаева
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, д. ф.л., профессор
М.С. Қудайбергенов

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике осуществлены широкомасштабные исследования по системному изучению дискуссионных вопросов традиционного синтаксиса. В частности, проведены весомые исследовательские работы по структурно-семантическому изучению сложных предложений с сочиненными и подчиненными компонентами с учетом их синтаксических и семантических особенностей. А в настоящее время на повестку дня ставится необходимость исследования функционально-семантических особенностей единиц языка, в том числе и сложносочиненных предложений в русле концепции тождеств и различий.

В мировом языкознании описание семантики единиц языка, в том числе и сложносочиненных предложений в неразрывной связи лингвистических и прагматических факторов с опорой на одного из современных методологических принципов – концепцию тождеств и различий, сделать конкретные теоретические выводы, присущие лингвистической природе таких единиц, является одним из эффективных факторов современного синтаксиса. Потому что проблема тождеств и различий в языке является одной из древнейших лингвистических и философских проблем. Начальные идеи о том, что весь механизм языка состоит из дихотомии тождества и различия, отражены в трудах М. Т. Варрона¹, Ибн-Сины (Авиценны)², В. фон Гумбольдта³, Ф. де Соссюра⁴. Впоследствии Н.Н.Холодовым были разработаны теоретические основы концепции тождеств и различий⁵, согласно которой тождества и различия являются субинвариантными отношениями и составляют ядро языковой системы. Такое единство в понимании конкретного устройства и общих особенностей языка (языков) всемирно признанными учеными-мыслителями разных народов, веков и поколений трудно признать случайным и потому воспользоваться этим при исследовании языков, в частности, каракалпакского языка является одним из актуальных задач.

В годы независимости в каракалпакском языкознании в определенной степени были собраны языковые и исследовательские материалы в сфере изучения проблем сложного предложения. Но сложносочиненные предложения каракалпакского языка до настоящего времени не стали предметом специального монографического исследования. С учетом этого в диссертации предусмотрено определение функционально-семантических особенностей сложносочиненных предложений каракалпакского языка. Ибо

¹ Варрон М.-Т. О латынском языке/Античные теории языка и стиля. – М.-Л.: ОГИЗ, 1936. – С. 98-104.

² Ибн Сина. Книга о душе / Избранные философские произведения. – Москва: Наука, 1980. – С. 383-521.

³ Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и о его влиянии на духовное развитие человеческого рода / Хрестоматия по истории языкознания XIX-XX вв./Сост. В.А.Звегинцев. – Москва: Упедгиз, 1956. – С.81-85.

⁴ Соссюр Ф. де. Труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1977. – 696 с.

⁵ Холодов Н.Н. О проблеме тождеств и различий в науке о языке / Ивановский государственный университет: Юбил. сб. науч. ст. – Иваново, 1998. – С. 38-62.

в качестве одним из приоритетных задач «следует глубоко изучать особенности языка и его диалектов, вопросы, связанные с его историей и перспективами развития, повысить эффективность профильных научных исследований»¹.

Данная диссертация в определенной степени служит для осуществления задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-4958 от 16 февраля 2017 года «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования», УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, в постановлениях ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, ПП-2995 «О мерах дальнейшего совершенствования системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, в распоряжении Р-4789 «О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения» от 12 января 2017 года, в его речи на торжественной церемонии, посвященной тридцатилетию придания узбекскому языку статуса государственного языка 21 октября 2019 года, и других нормативно-правовых документах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. «Пути формирования и внедрения системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования, направленные на изучение функционально-семантических особенностей сложносочиненных предложений, ведутся в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, в частности, в University of Humboldt (Германия); University of Oxford (Англия); The French National Research Agency (Франция); Academy of Korean Studies Grand (Корея); Istanbul University (Турция); Московском государственном университете имени М.В.Ломоносова, Московском государственном педагогическом университете; Институте лингвистических исследований,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланшган тантанали маросимдаги нутқи. 2019 йил, 21 октябрь// <http://uza.uz>

² Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации проводился на основе сайтов www.uzh.ch/en.htm, www.zora.uzh.ch, www.bu.edu, www.uv.es, www.u-tokyo.ac.jp/en, www.ras.ru, www.kamgu.ru, www.bu.edu, www.ecu.edu.au, www.sophia.ac.jp/eng, www.u-tokyo.ac.jp/en, www.bsu.edu.az, www.msu.ru, www.vsu.bu, www.education.ua/universities, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz, <http://www.philology.nsc.ru>; <http://www.ivanovo.ac.ru>; <http://philology.nsc.ru/> и других источников.

институте Востоковедения АН России, Ивановском государственном университете, Институте филологии Сибирского отделения АН России (Россия), Бакинском государственном университете (Азербайджан), Казахском национальном университете (Казахстан), а также в Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, научно-исследовательском институте языка, литературы и фольклора АН РУз, Ташкентском государственном институте востоковедения (Узбекистан).

